БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 80 (311)
23 АПРЕЛЬ ШАНБА 1955 ЙИЛ
ВАҲОСИ 20 ТИИИН.

Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг илҳомлантирувчи ва раҳбарлик қилувчи улуғ кучи—Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

Коммунистик партиянинг 1 Май Чақириқлари

Ижодкор совет халқи халқаро бирдамлик куни, барча мамлакатлардаги ишчиларнинг қардошлик куни — 1 Майни коммунизм қурилиши ишида, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишида зўр муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1955 йил 1 Май муносабати блан э'лон қилинган Чақириқлари совет халқини янгидан-янги ғалабаларга илҳомлантирувчи жанговар программадир. Бу Чақириқларда Коммунистик партиянинг халқ моддий ва маданий фаровонлигини тинмай оширишдан иборат ички сиёсати, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат доно ташқи сиёсати ўз ифодасини топгандир.

Совет халқи ўзининг севикли йўлбошчиси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг гениал асосчиси В. И. Ленин туғилган куннинг 85 йиллигини тантанали равишда нишонлади. Халқимизнинг Коммунистик партия раҳбарлигида эришган буюк ғалабалари В. И. Ленин номи блан чамбарчас боғлангандир.

Коммунистик партия жамият тараққиётининг об'ектив иқтисодий қонунларига амал қилиб, мамлакатимизга тўғри ва доно раҳбарликни амалга оширмоқда, совет халқини зўр ишонч блан коммунизмнинг янги ғалабалари сари бошлаб олиб бормоқда. Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги натижасида мамлакатимиз экономикаси, маданияти бениҳоя ўсмоқда, Ватанимизнинг мудофаа қудрати ошмоқда. Коммунистик партия совет халқини бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажаришга, Ватанимиз қудрати ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг негизи бўлган оғир индустрияни устун даражада юксалтиришга чақирмоқда.

— Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг, халқнинг моддий ва маданий фаровонлигини оширишнинг, Ватанимиз қудратини ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг негизи бўлган оғир саноатни устун даражада ривожлантиришга қаратилган Партия ва Ҳукумат сиёсатини қунт блан амалга оширингиз!

Республикамиз, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари, бешинчи бешйиллик планни муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани янада қизитиб юбордилар. Областимиз саноат корхоналарида майолди Чақириқларига жавобан меҳнат унумдорлигини ошириш учун умумхалқ ҳаракати қизиб кетди. Улар техникани янада тараққий қилдириш учун, фан муваффақиятларини, энг янги техникани ва илғорлар тажрибасини ишлабчиқаришда кенг қўлланиш учун ҳормай-толмай курашмоқдалар.

Шаҳар саноат корхоналари бешйилликнинг тўрт йилига белгиланган давлат планини ялпи маҳсулот бўйича 103 процент, 1954 йил планини эса 105,2 процент бажардилар. Шаҳардаги Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи майолди социалистик мусобақасига қўшилиб, 1955 йил биринчи квартал планини муддатидан илгари бажарди ва қўшимча равишда 100 минг сўмлик маҳсулот берди. Шунингдек, Йўллар министрлигига қарашли машинасозлик заводи, Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати, «Под'ёмник» заводи, Чирчиқ электрохимия комбинати, Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи давлат топшириқларини муваффақият блан бажармоқдалар, бешинчи бешйиллик планни муддатидан олдин бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Коммунистик партиянинг майолди Чақириқларида кўмир, нефт, металлургия, машинасозлик, электротехника ва радиотехника саноати ходимлари олдига жуда катта вазифалар қўйилган. Чақириқларда халқ исте'моли моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш вазифалари белгиланган.

Коммунистик партия Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари социалистик қишлоқ хўжалигимиз илғорларини янгидан-янги ғалабаларга илҳомлантириб юборди. Колхозларда, МТС ва совхозларда майолди социалистик мусобақаси қизиб кетди. Областимизнинг колхоз ва совхозларида пахта майдонларининг катта қисмига чигит экиб бўлинди. Оққўрғон, Ўртасарой, Қуйичирчиқ, Янгийўл районлари ва жуда кўп колхоз ҳамда совхозлар чигит экишни тамомладилар. Бу колхоз ва совхозларда апрель ойининг дастлабки кунларида экилган чигитлар биртекисда униб чиқди. Вазифа — чигитни биртекисда ундириб олишни та'минлашдан, гектарнинг тўлиқ бўлиши учун барча тадбирларни амалга оширишдан, тез кунда ғўза парваришини бошлаб юборишдан иборат.

— Қишлоқ хўжалик ходимлари! Социалистик қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг ҳамма тармоқларини кенг миқ'ёсда юксалтириш учун курашингиз! Ер майдонларидан ва колхозлар ҳамда совхозлардаги мавжуд резервлардан планлаштиришнинг янги тартиби асосида яхшироқ фойдаланингиз! Мамлакатга кўпроқ ғалла, гўшт, сут, жун, пахта, зиғир толаси, қандловлаги ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари берайлик!

Партиямиз Марказий Комитетининг майолди Чақириқларида маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси, давлат ва кооператив савдоси ходимлари олдига катта вазифалар қўйилган.

Коммунистик партия Совет давлат аппарати ишларини ҳартомонлама яхшилаш, давлат аппаратининг халқ оммаси блан алоқасини янада мустаҳкамлаш тадбирларини кўриб келмоқда. Партия давлат аппарати ходимларидан давлат интизомини мустаҳкамлашни, социалистик қонунчиликка қаттиқ риоя қилишни талаб этмоқда.

— Совет муассасаларининг ходимлари!, — дейилади Чақириқларда, — **давлат аппаратининг ишини такомиллаштирингиз, бюрократизм ва сансалорликни тамомила йўқотингиз! Меҳнаткашларнинг талабларига ва эҳтиёжларига сезгирлик блан э'тибор қилингиз! Давлат интизомини мустаҳкамлаш ва социалистик қонунчиликка қаттиқ риоя қилиш учун курашингиз! Давлат аппаратини арзонлаштиришга ва унинг омма блан алоқасини янада кучайтиришга эришайлик!**

Социализмдан коммунизмга ўтиш даврида совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш, меҳнаткашларни Совет Ватанига муҳаббат ва садоқат руҳида, халқлар ўртасида дўстлик руҳида тарбиялаш муҳим вазифадир. КПСС Марказий Комитетининг майолди Чақириқларида олий ўқув юртлари, адабиёт ва сан'ат ходимлари, халқ маорифи ходимлари, медицина ходимларига совет халқини коммунистик руҳда тарбиялашга чақирувчи жанговар программа чизиб берилган.

Коммунистик партия халқлар ўртасида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, барча мамлакатлар блан ўзаро дўстлик, ҳамкорлик принципларига асосланган доно ташқи сиёсатни олиб бормоқда.

— Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати—тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг ўзгармас сиёсати, янги уруш тайёрлашга ва бошлаб юборишга қарши кураш сиёсати, халқаро ҳамкорлик ва барча мамлакатлар блан амалий алоқаларни ривожлантириш сиёсати!

Совет Иттифоқи янги урушларнинг олдини олиш учун, атом, водород ва бошқа қирғин қуролларини тақиқлаш учун, қурол-яроғларни ёппасига камайтириш учун курашмоқда, барча мамлакатларнинг меҳнаткашларини, тинчликсевар кучларни герман милитаризмининг қайта тикланишига қарши курашга чақирмоқда.

Совет Иттифоқи халқ демократияси мамлакатлари, Хитой Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси блан ўзаро тенглик, ҳамкорлик ва қардошларча ёрдам муносабатларига асосланган сиёсатни олиб бормоқда, улар блан қардошларча дўстликни тобора мустаҳкамламоқда.

— Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи бешйиллик планини бажариш учун, мамлакатни индустрлаштириш учун, социализм негизларини қуриш учун муваффақиятли курашаётган улуғ хитой халқига қардошлик саломи!

Яшасин ва яшнасин бутун дун'ёда тинчликнинг қудратли фактори — совет ва хитой халқларининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

— Халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтириш учун, халқ демократик давлатларнинг қувватини мустаҳкамлаш ва халқларнинг фаровонлигини тинмай ошириш учун, социализм қуриш учун муваффақиятли курашаётган халқ демократияси мамлакатлари меҳнаткашларига қардошлик саломи!

Яшасин ва мустаҳкамлансин халқ демократик мамлакатлар блан Совет Иттифоқининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

Ҳозир тинчлик ва демократия кучлари ҳарқачонгидан ҳам мустаҳкам ва қудратлидир. Энди бу кучларни империалистларнинг «зўравонлик» сиёсати ҳам, атом ва водород бомбалари блан қўрқитишлар ҳам енгаолмайди. Чунки тинчлик, демократия ва социализм қудратли кучларига Совет Иттифоқи бошчилик қилмоқда.

— Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва шон-шуҳратининг қал'аси бутун дун'ёда тинчликнинг мустаҳкам таянчи — улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

— Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!

— Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг илҳомлантирувчи ва раҳбарлик қилувчи улуғ кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

— Маркс — Энгельс — Ленин — Сталин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунизм ғалабаси сари, олға!

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 85 йиллигига бағишланиб СССР Большой театрида бўлган тантанали мажлис

Москва меҳнаткашлари, совет мамлакатимизнинг ҳамма халқлари, ер юзидаги оддий кишилар Коммунистик партиянинг гениал асосчиси ва Совет социалистик давлатининг тузувчиси, жаҳон пролетариатининг, бутун илғор инсониятнинг йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 85 йиллигини тантанали нишонладилар.

22 апрельда барча совет марказий ва маҳаллий давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари биноларида, темир йўл станцияларида, сув пристаньларида, вокзалларда, СССР ҳарбий ва савдо флоти кемаларида, турар уйларда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Давлат байроғи кўтарилди.

Бу кунда ҳамма жойда турли халқларнинг тилларида Лениннинг ёрқин номи алоҳида муҳаббат ва самимият блан тилга олинмоқда.

Планетамизнинг ҳамма жойларида Ленин сўзи революцион жангларда туғилаётган янги, социалистик жамият, кишиларга бахт-саодат келтирувчи қувноқ ва порлоқ жамият символи бўлиб жаранглмоқда.

... Енгил апрель шабадаси Ватанимиз пойтахти — Москва бинолари устидаги қизил байроқларни ҳилпиллатиб турибди. СССР Иттифоқи Большой театри тантанали тусда безатилган. Саҳна тўрида, СССР Давлат байроғи олдида иттифоқчи республикаларнинг байроқлари ва очилиб турган жуда кўп гуллар орасида Владимир Ильич Лениннинг қаттакон скульптура портрети турибди. Иккала томонда: «1870—1955» рақамлари ёзилган.

Яшасин ленинизмнинг ғолибона байроғи! деган жанговар чақириқ сўзлари электр чироғлари блан ёзилган.

Саҳна тепасидаги қизил бахмалга Ленин яратган жонажон Коммунистик партияга бўлган умумхалқ муҳаббатини ифодаловчи сўзлар ёзилган:

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги илҳомлантирувчи ва раҳбарлик қилувчи улуғ кучи!

22 апрельда театр залида ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг ва интеллигенциянинг вакиллари, КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати а'золари, партия ва совет ходимлари, Совет Армияси ва Флотининг офицерлари ва генераллари тўпландилар. Залда ўтирганлар орасида — революциянинг кекса ветеранлари, Ильични кўриш ва унинг сўзларини эшитиш бахтига муяссар бўлган кишилар; улар блан бир қаторда — коммунизм қураётган янги авлод кишилари бор.

Кеч соат 7. Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, П. Н. Поспелов, М. А. Суслов ўртоқлар, шунингдек Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич бошлиқ Ҳукумат Делегациясининг а'золари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, министрлар, пойтахт ва Москва области партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, саноат корхоналарининг новаторлари, Совет Армияси ва Флотининг вакиллари президиумда пайдо бўладилар. Мажлис қатнашчилари уларни қизғин қарсаклар блан кутиб оладилар.

Москва шаҳри партия, совет ва жамоат ташкилотларининг Коммунистик партия ва Совет давлатининг улуғ йўлбошчиси ва асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 85 йиллигига бағишланган тантанали мажлисини КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва СССР Олий Совети Президиумининг топшириғига мувофиқ ўртоқ К. Е. Ворошилов очади.

Оркестр Совет Иттифоқи Давлат Гимнини ижро этади.

«Ленин идеялари коммунизм йўлини ёритмоқда» деган темада доклад қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг а'зоси, «Правда» газетасининг бош редактори Д. Т. Шепиловга сўз берилади.

Докладчи Ленинни революцион фикр ва революцион ҳаракатнинг улуғ сиймоси, Коммунистик партиянинг улуғ асосчиси, жаҳонда биринчи Совет социалистик давлатнинг тузувчиси, барча мамлакат меҳнаткашларининг йўлбошчиси сифатида та'рифлаб беради.

Революциянинг улуғ стратегия ва илмфаннинг мислсиз улуғ олими бўлган Ленин марксизмни юқори босқичга кўтарди. У, социализм ва коммунизм қуришнинг энг муҳим иқтисодий проблемаларини ишлаб чиқди. Кўпмиллатли қудратли Совет давлати — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — ленинизм идеяларининг улуғ ўзгартирувчилик кучининг жонли тимсолидир.

Лениннинг кўзга кўринган сафдошлари ва шогирдлари раҳбарлигидаги Коммунистлар партия ҳозир халқимизнинг коммунистик жамият қуришдаги улуғ яратувчилик ишига илҳом бермоқда ва бу ишни ташкил қилмоқда. Ленинизм партиянинг жанговар ва ғолиб байроғи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Сўнгра докладчи совет мамлакати Ленин та'лимоти асосида жуда катта қадам ташлаб, қолоқликдан прогрессга ўтганлиги, йигирма йилдан камроқ вақт ичида қудратли индустриал давлатга айланганлиги ҳақида гапиради.

Социалистик жамиятни қуриб тугаллаш ва аста-секин коммунизмга ўтиш социалистик жамиятнинг ишлабчиқарувчи кучларини янада зўр бериб ўстиришни кўзда тутади. Ленинизмга содиқ бўлган партиямиз бундан буён ҳам ишлабчиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни устун даражада ўстирган ҳолда, бутун ижтимоий ишлабчиқаришни тўхтовсиз юксалтиришга қаратилган бош йўлини изчиллик блан амалга ошираберади. Партия коммунизмнинг қудратли ва ҳартомонлама ривожланган моддий-ишлабчиқариш базасини яратишдан иборат катта ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш блан бирга қишлоқ хўжалиги масалаларига алоҳида э'тибор бермоқда. Коммунистик партия қишлоқ хўжалигининг ишлабчиқарувчи кучларини янада юксалтириш учун курашда кейинги даврда бирқанча муҳим тадбирларни, я'ни йирик социалистик ишлабчиқаришни олиб боришнинг Ленин принципларига мувофиқ келадиган тадбирларини амалга оширди.

Турли социал системалар, деди докладчи, ташқи сиёсат соҳасида ҳам турли йўл тутмоқдалар. Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, барча халқ демократияси мамлакатлари ташқи сиёсат соҳасида улуғ Ленин принципларини амалга ошириб, бутун дун'ёда тинчликни қаттиқ туриб ва изчиллик блан ҳимоя қилмоқдалар. Ленинизм турли социал-иқтисодий системаларнинг тинч-тотув бўлиб яшаши мумкин ва зарур деган фикрга асосланади. Совет Иттифоқи бошқа давлатларнинг ишларига аралашмайди. Шунинг учун ҳам у ўзининг ташқи сиёсатини изчиллик блан ўтказиб келмоқда.

Агарда империалистик лагерьнинг ақлдан озаётган корчаллонлари халқларнинг иродасига хилоф равишда янги жаҳон урушини очишга уринадиган бўлсалар, Совет давлати, унинг содиқ иттифоқчилари, капиталистик ва мустамлака дун'ёсидаги барча прогрессив кучлар, я'ни демократия ва тинчлик идеяларини қизғин равишда қўллаб-қувватлаётган кучлар шу қадар қудратли ва шу қадар кенг миқ'ёсда зарбалар берадиларки, бу зарбалар меҳнаткашларни тўхтовсиз эксплуатация қилиш, юз миллионлаб кишиларни қул қилиш, халқ оммасини азоб-уқубатга ва қонини сўриш негизига қурилган империализмнинг бутун чирик биносини вайроналарга айлантириб юборади.

Д. Т. Шепилов ўз докладининг охирида мажлис қатнашчиларининг қарсаклари остида айтадики, Ленин та'лимотига содиқ бўлган, ўзининг синалган Марказий Комитети раҳбарлик қилаётган бизнинг партиямиз эндиликда коммунистик жамият қуришнинг улуғвор вазифаларини ҳал қилмоқда. Партиямиз бу вазифаларни ҳақиқатан ҳам ғолибона ҳал қилади, чунки партия тарихий ижодиётининг чўққиларига кўтарган халқнинг яратувчилик кучлари чексиздир, чунки бу мақсадга олиб борадиган йўлни ленинизмнинг ғолиб идеяси нур сочиб ёритиб турибди.

Зал гумбазлари остида шонли Коммунистик партия шарафига, унинг Марказий Комитети шарафига гулдурос овация бошланади. Ҳамма ўрнидан туради. Партия гимни «Интернационал»нинг кучли ва улуғвор садолари янграйди. «Интернационал»ни тантанали мажлис қатнашчиларининг ҳаммаси айтадилар.

Тантанали мажлисдан кейин катта концерт берилди. (ТАСС).

Тошкентда В. И. Ленин туғилган куннинг 85 йиллигига бағишланган тантанали мажлис

Бутун совет халқи блан биргаликда Тошкент меҳнаткашлари инсониятнинг буюк генийси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 85 йиллигини кенг нишонламоқдалар.

Кеча, 22 апрельда, Навоий номидаги Ўзбек Давлат опера ва балет театрида шу шонли кунга бағишланган тантанали мажлис бўлди. Тантанали мажлисда меҳнаткашларнинг, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек гарнизон ҳарбий қисмларининг вакиллари қатнашдилар.

Театр зали байрам тусида безатилган. Саҳна тўрида Ильичнинг каттакон портрети қизил байроқлар ва очилиб турган гуллар орасига қўйилган. Қизил бахмалга ёзилган: «1870—1955» рақамлари ярқираб турибди. Саҳна тепасидаги қизил алвонга: «Ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлиги остида — коммунизм тантанаси сари, олға!» деган чақириқ сўзлари ёзилган.

Президиум столи ёнида — республика ва пойтахт партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, донгдор ишчилар, фан ва маданият арбоблари ўтирибдилар.

Гулдурос қарсаклар остида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми тантанали мажлис фахрий президиумига сайланади.

В. И. Ленин туғилган куннинг 85 йиллиги тўғрисида доклад қилиш учун Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Х. Ғ. Ғуломовга сўз берилади.

Мажлис қатнашчилари докладни зўр э'тибор блан тинглайдилар. Докладда В. И. Лениннинг марксизмнинг революцион та'лимотини ривожлантиришдаги, Коммунистик партияни ва жаҳонда биринчи Совет социалистик давлатни барпо этишдаги катта роли ёритиб берилади. Ленин томонидан тарбиялаб етиштирилган, марксизм-ленинизм ўлмас идеялари блан қуролланган Коммунистик партия ишчилар синфи блан деҳқонларнинг жанговар иттифоқини мустаҳкамлади, мамлакатимиз халқларини социализм ғалабасига олиб келди ва ҳозирги вақтда улуғ мақсадга — коммунизмга эришиш сари ишонч блан олиб бормоқда. Эксплуататор синфларни тугатиш ва социализмнинг тўла ғалабаси натижасида совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлигига эришилди, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги та'минланди.

Ленин идеялари блан қуролланган партиямиз Лениннинг содиқ шогирди ва унинг ишининг давомчиси — И. В. Сталин раҳбарлиги остида мамлакатни индустриялаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг доно сиёсатини ишлаб чиқди, бу сиёсатни троцкийчиларга, бухаринчиларга ва буржуа миллатчиларга қарши қаттиқ курашда сақлаб қолди, миллион-миллион меҳнаткашлар оммасини бу сиёсатни амалга оширишга сафарбар қилди.

Ленин идеялари жаҳон тарихининг бутун боришига қудратли та'сир кўрсатмоқда. Улар ўсиб ва мустаҳкамланиб бораётган халқаро революцион ҳаракатда, тинчлик, демократик ва социализм лагери меҳнаткашларининг ишларида, прогрессив инсониятнинг тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун олиб бораётган курашида яшамоқда ва ғалаба қилмоқда.

Владимир Ильич васиятларига содиқ бўлган партиямиз, деб та'кидлайди докладчи, бутун халқ хўжалигини юксалтиришнинг асоси бўлган оғир индустрияни бутун чоралар блан ривожлантириб келди ва ривожлантиради. Ленин идеяларидан илҳомланган совет кишилари қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми белгилаб берган иш программасини тезроқ амалга ошириш учун курашда ўз куч-ғайратларини оширмоқдалар.

Совет Ўзбекистони экономикаси ва маданиятининг яшнаб-гуллагани Ленин идеяларининг тантанасини кўрсатувчи ёрқин далилдир. Узоқ давом этган қоронғи тундан кейин тонг отиб, нурли кун келганидек, ўзбек халқи учун ҳам асрлар бўйи давом этган қолоқликдан кейин коммунистик жамият қуриш йўлидаги жўшқин ижодий меҳнат йиллари келди. Ўзбек халқи улуғ Ленин васиятларининг амалга ошиш самараларини, Коммунистик партия доно миллий сиёсатининг турмушда татбиқ этилиш самараларини амалда кўриб турибди. Бу самаралар республика саноатининг тез сур'атлар блан юксалганлигида, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ва унинг энг муҳим тармоғи бўлган пахтачиликнинг тубдан қайта қурилганлигида, социалистик маданиятнинг барқ уриб яшнаганлигида ўз ифодасини топди. Ўзбек халқи шуларнинг ҳаммаси учун, ўзининг озод, қувноқ ва бахтиёр ҳаёти учун меҳнаткашларнинг доно, абадий ҳаёт йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Лениндан ғоят миннатдордир, Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига, ўзининг оғаси — улуғ рус халқига самимий ташаккур билдиради.

Совет Иттифоқидаги ҳамма халқлар блан бирга Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Владимир Ильич туғилган куннинг 85 йиллигини коммунистик қурилиш соҳасида янги муваффақиятлар блан кутиб олмоқдалар. Республика меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтириш учун, кўпмиллатли Совет давлатининг куч-қудратини янада ошириш учун қат'ий кураш олиб боришни ўзларининг энг муҳим ватанпарварлик бурчлари деб биладилар.

Докладчи ўз сўзининг охирида бундай дейди:

— Владимир Ильич Лениннинг номи СССРдаги барча халқларнинг ма'навий ва сиёсий бирлиги, бузилмас дўстлиги ва қардошлиги, уларнинг Совет Социалистик Ватанни янада яшнатиш йўлида янги зафарларга тайёр туриши символи бўлиб келди, бўлиб келмоқда ва келажакда ҳам шундай символ бўлади.

Яшасин ленинизм!

Яшасин кўпмиллатли Совет давлати асосларининг асоси бўлган СССР халқларининг бузилмас дўстлиги!

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги илҳомлантирувчи ва раҳбарлик қилувчи улуғ кучи!

Маркс—Энгельс—Ленин—Сталин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлиги остида — коммунизм ғалабаси сари олға!

Залда узоқ давом этган гулдурос қарсаклар авж олади. «Интернационал»нинг улуғвор оҳанглари тантанали янграйди.

Докладдан кейин мажлис қатнашчилари учун Навоий номидаги Ўзбек Давлат опера ва балет театри артистларининг ижросида «Бўронда» операси қўйилди. (ЎзТАГ).

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ В. И. ЛЕНИН ВА И. В. СТАЛИН МАВЗОЛЕЙИНИ ЗИЕРАТ ҚИЛДИ

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'зоси ва Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ю. Циранкевич бошлиқ Польша Халқ Республикаси ҳукумат делегацияси 22 апрельда В. И. Ленин ва И. В. Сталин мавзолейини зиёрат қилди ва гулчамбар қўйди. Делегация СССР блан Польша Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдамлашиш ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланганига ўн йил тўлиши муносабати блан Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ Москвада меҳмон бўлмоқда.

Делегация блан бирга Польша Халқ Республикаси элчихонасининг фавқулодда ва мухтор элчи В. Левиковский бошлиқ дипломатик составн ҳам мавзолейни зиёрат қилди.

Гулчамбар қўйиш вақтида СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлими мудирининг ўринбосари А. Н. Капустин ва СССР Ташқи ишлар министрлигининг мас'ул ходимлари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Польша Халқ Республикаси Ҳукумат делегациясининг Москвада бўлишига доир

Дўстлик, ўзаро ёрдамлашиш ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида СССР блан Польша Халқ Республикаси ўртасида тузилган Шартнома имзоланган куннинг ўн йиллиги муносабати блан Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ, Польша Халқ Республикасининг Ҳукумат Делегацияси Москвага келган эди. Делегацияга Польша бирлашган ишчи партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'зоси ва Польша Халқ Республикаси Министрлар советининг раиси Ю. Циранкевич бошчилик қилади. Делегация составида Польша бирлашган ишчи партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'зоси ва Польша бирлашган ишчи партияси Марказий комитетининг секретари Ф. Мазур, Поляк қўшини бош штабининг бошлиғи ва Польша Халқ Республикаси миллий мудофаа министрининг ўринбосари генерал — полковник Е. Бордзиловский, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг а'зоси ва Варшава Халқ кенгашининг раиси Е. Альбрехт, Польша фанлар академияси президиумининг а'зоси ва сейм депутати профессор С. Жулкевский, Польша Халқ Республикаси касаба союзлари Марказий кенгашининг секретари ва сейм депутати С. Васильковскаялар бор.

Польша Халқ Республикаси Ҳукумат Делегацияси 21 апрельда тўла составда Горкидаги В. И. Ленин уй-музейида бўлди. СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлимининг мудири Е. Д. Киселев делегация блан бирга келди. Уй-музей директори С. Т. Беляков В. И. Ленин уй-музейини тамоша қилиш вақтида изоҳ бериб турди.

Шундан кейин Польша Халқ Республикаси Ҳукумат Делегациясининг а'золари Москвадаги С. М. Киров номли «Динамо» заводида бўлдилар. Делегация тушки танаффус вақтида корхонанинг иккинчи машина цехига келди. Кекса ишчи Д. И. Барканов меҳмонларни самимий табриклади. Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ю. Циранкевич жавоб нутқи сўзлади. Заводни кўриб чиқиш вақтида корхонанинг бош инженери А. В. Сергеев изоҳ бериб турди. Электротехника саноати министри И. Т. Скидаренко ва «Динамо» заводининг директори С. В. Скориков делегация блан бирга бўлди.

Цехлар ва машина-ускуналар кўздан кечирилаётганида Польша Халқ Республикаси Ҳукумат Делегацияси а'золарига янги машиналар кўрсатилди. «Динамо» заводи халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бу машиналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Корхона кўриб чиқилганидан кейин, Польша Халқ Республикаси Министрлар советининг раиси Ю. Циранкевич самимий кутиб олганликлари учун завод ходимларига делегациянинг барча а'золари номидан ташаккур билдирди. (ТАСС).

Н. С. Хрушчевнинг «Пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун» деган нутқининг тексти брошюра қилиб чиқарилди

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Қозоғистон ССР пахтачилик ходимларининг Тошкентда бўлган кенгашида 1954 йил 20 ноябрда сўзлаган «Пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун» деган нутқининг текстини брошюра қилиб босиб чиқарди.

Брошюра кўп тиражда нашр этилди. (ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумида

21 апрельда Кремльда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. Ворошилов СССР Олий Совети Президиумининг Секретари ўртоқ Н. М. Пеговга Ленин ордени топширди. Ўртоқ Н. М. Пегов туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати блан ва партия ҳамда Совет давлати олдидаги хизматлари учун мукофотланган эди.

Ўртоқ К. Е. Ворошилов ўртоқ Н. М. Пеговни самимий табриклади ва унга бундан кейинги ишида муваффақиятлар тилади.

ЛЕНИН ИДЕЯЛАРИ КОММУНИЗМ ЙЎЛИНИ ЁРИТМОҚДА

Москвада В. И. Ленин туғилган куннинг 85 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда ўртоқ Д. Т. ШЕПИЛОВ доклади

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи, халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари, капиталистик ва мустамлака оламидаги ишчилар синфи, бутун прогрессив инсоният улуғ кунни — Владимир Ильич Ленин туғилганига 85 йил тўлган кунни нишонламоқда.

Ленин — революцион фикр ва революцион ҳаракатларнинг улуғ сиймосидир, Коммунистик партиянинг улуғ асосчиси, жаҳонда биринчи Совет Социалистик давлатининг тузувчиси, барча мамлакат меҳнаткашларининг йўлбошчисидир.

Ишчилар синфининг гениал устозлари ва назариячилари К. Маркс ва Ф. Энгельс ишчилар синфини чинакам илмий дун'ёқараш блан қуроллантирдилар. Улар капитализмнинг пайдо бўлиш, ривожланиш ва ҳалок бўлиш қонунларини очдилар, социалистик революциянинг муқаррарлигини илмий жиҳатдан асослаб бердилар, улар ишчилар синфининг тарихий ролини, я'ни капитализмнинг гўркови бўлиш ва социалистик жамиятнинг қурувчиси бўлишдан иборат тарихий ролини очиб бердилар, коммунизм тараққиётининг икки фазасини умумий равишда та'рифлаб бердилар. Жуда чуқур ма'нода, революцион-ижодий ма'нода чинакам ортодоксал марксист бўлган Ленин марксизмнинг идея бойлигини ғоят кўп даражада оширди.

Ленин янги даврда, капитализм ўз тараққиётининг монополистик капитализмдан олдинги фазасидан империалистик фазасига ўтаётган даврда сиёсий кураш майдонига чиқди. Капитализмнинг зиддиятлари Россияда айниқса кескин равишда намоён бўлмоқда эди. Жаҳон озодлик ҳаракатининг маркази Россияга кўчмоқда эди. Бу ерда жуда катта революцион жанглар етилиб келмоқда эди. Шунинг учун ҳам Россия жаҳонга Ленинни етказиб берди. Россия ленинизмнинг Ватани бўлди.

Шу блан бирликда ленинизмнинг бутун халқаро тараққиётда, жаҳон озодлик ҳаракатида чуқур илдизлари бор. Ленинизм—интернационал та'лимотдир. Ленинизм империализм ва пролетар революциялари даврининг, коммунизм қурилиши даврининг марксизмидир. Ленинизм, инсоният фикр-идроки минг йиллар давомида тўплаган ҳамма энг яхши нарсаларни ўзида гавдалантиради. Ленин бутун жаҳон тажрибасини янги тарихий даврда доҳиёна умумлаштириш асосида марксистик философияни—диалектик ва тарихий материализмни, марксистик сиёсий иқтисодни ривожлантирди ва бойитди. Ленинизм рус ва жаҳон маданиятининг энг юксак ютуғидир.

Ленин революциянинг улуғ стратеги эди. Ленин капиталистик ишлабчиқариш усули тараққиётининг энг чуқур процессларини мутафаккирлик кўзи блан равшан кўриб, империализм тўғрисидаги жуда зўр текширишнинг ижодчиси бўлди. У, империализм даврида капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг нотекислиги қонунини очиб, социалистик революциянинг янги, мукаммал назариясини яратди, бу назария бутун мазлум инсониятга янги ҳаёт йўлини очиб берган Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг байроғи ва назарий негизи бўлиб хизмат қилди.

«Ер юзининг бир бурчагида,— деб ёзган эди Ленин,—биз биринчи бўлиб йиртқич ҳайвонни, я'ни капитализмни ағдариб ташлашга муяссар бўлганимиз учун фахрланишга ва ўзимизни бахтиёр деб ҳисоблашга ҳақлимиз, бу йиртқич ҳайвон ер юзини қон дар'ёсига ғарқ қилган эди, инсониятни очликка ва жаҳолатга гирифтор этган эди. Бу йиртқич ҳайвон жон талвасаси блан йиртқичларча на'ра тортиб ўзини ҳартомонга ҳарқанча урса ҳам, барибир, албатта, ва тез фурсатда ҳалок бўлади» (27 том, 531—532 бетлар).

Биз, эски, таназзулга кетаётган жаҳон капиталистик системасининг бузилиши тобора кўпроқ кучаяётганлигини, янги, юксалиб бораётган жаҳон социалистик системаси тобора кўпроқ ўсиб мустаҳкамланаётганлигини кўриб турибмиз. Йигирманчи аср — марксизм-ленинизм ғолиб идеялари тантана қилаётган асрдир.

Ленин — илм-фаннинг мислсиз улуғ олимидир. Ленин жамиятни социалистик асосда қайта қуриш қонунларини, йўлларини ва формаларини, коммунизм қурилиши қонунларини кашф қилиши блан, марксизмни юқори босқичга кўтарди. У, пролетар диктатураси масаласини ҳартомонлама ишлаб чиқиб, ишчилар синфи раҳбарлик ролини ўйнагани ҳолда, ишчилар синфи блан деҳқонларнинг иттифоқи пролетариат диктатурасининг олий принципидир, деган туб қоидани асослаб берди. У миллий-мустамлака масаласи назариясини яратди. У социализм ва коммунизм қуришнинг энг муҳим иқтисодий проблемаларини ишлаб чиқди. Кўпмиллатли қудратли Совет давлати — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи— ленинизм идеяларининг улуғ ўзгартирувчилик кучининг жонли тимсолидир.

Ленин гениал мутафаккир ва сиёсий курашчи, революцион ўзгартишлар мастери ва кўпмиллионли омманинг ташкилотчиси сифатларини ўзида мужассамлантирган эди. Ленин Россияда пролетар революцион ҳаракати бошланиб келаётган вақтлардаёқ бундай деган эди: «Қани, бизга революционерлар ташкилотини беринг-чи, биз Россияни тубдан ўзгартириб юборамиз!» (5 том, 511 бет). Ленин бизнинг Коммунистик партиямиздан иборат революционерларнинг мана шундай ташкилотини вужудга келтирди, ғоявий жиҳатдан чиниқтирди ва тарбиялаб вояга етказди **(Олқишлар).**

Ленин партияси уч революциянинг социал жангларида ишчилар синфининг авангарди бўлиб борди. Граждан уруши ва империалистик интервенция йилларида партия совет кишиларининг ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун фидокорона курашига бошчилик қилди. Ленин ишининг улуғ давомчиси Иосиф Виссарионович Сталин раҳбарлиги остида партия, энг катта синовлардан ўтиб ва қийинчиликларни енгиб, меньшевикларга, троцкийчиларга, ўнг реставраторларга қарши, халқнинг кўпсонли душманларига қарши шиддатли курашда мамлакатимизни социализм ғалабасига олиб келди. Совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари партия раҳбарлигида Улуғ Ватан уруши йилларида гитлерчи агрессорларнинг тиш-тирноғигача қуролланган галаларини тормор келтирдилар ва жаҳонни фашистлар асоратига тушиб қолиш хавфидан қутқардилар.

Лениннинг кўзга кўринган сафдошлари ва шогирдлари раҳбарлигидаги коммунистлар партияси ҳозир халқимизнинг коммунистик жамият қуришдаги улуғ яратувчилик ишига илҳом бермоқда ва бу ишни ташкил қилмоқда. Ленинизм партиянинг жанговар ва ғолиб байроғи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. **(Давомли олқишлар).**

I.

Ўртоқлар! Совет халқи жамиятни социалистик асосда қайта қуришга киришган дастлабки вақтларда ўтмишдан мерос бўлиб қолган ва жуда кам тараққий қилган иқтисодий базага таянишга мажбур бўлган эди.

Ленин социализмнинг дастлаб бир мамлакатда, алоҳида олинган мамлакатда ғалаба қозониши мумкинлиги тўғрисидаги янги революцион назариясига асосланиб, мамлакатимизда социалистик жамият қуриш планини илмий равишда ишлаб чиқди. Бу планнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат эди: а) мамлакатни социалистик индустриялаш, б) деҳқон хўжаликларини ишлабчиқариш кооперативларига уюштириш асосида қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш, в) маданий революция. Ленин, чинакам қудратли ва мўл-тўкис социалистик давлатни барпо қилиш учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси бизда бор, деб кўрсатган эди.

1917 йилдаёқ Ленин партия ва халқ олдига улуғ вазифани — бутун куч блан олға интилиш ва Россиянинг техника-иқтисодий қолоқлигини тарихий жиҳатдан жуда қисқа муддатлар ичида тугатиш вазифасини қўйган эди.

Ленин та'лим бериб айтадики, социализмнинг моддий негизи йирик машина индустрияси, ишлабчиқариш воситаларини ишлаб чиқаришдир. Коммунистик партия Ленин планига амал қилиб, Сталин етакчилигида совет экономикасини социалистик индустриялаш базасида тубдан қайта қуриб олди. Ленин идеялари омманинг онгига сингиб, қудратли моддий куч бўлиб қолди. Совет мамлакати жуда катта қадам ташлаб қолоқликдан прогрессга ўтди. Капиталистик дун'ёнинг энг кекса мамлакати бўлган Англиянинг саноат революцияси бошланган вақтдан бери ўз индустриясини тараққий эттирмоқ учун сал кам икки юз йил, Америка Қўшма Штатлари учун эса бир асрча вақт керак бўлган эди. СССР эса индустриал тараққиёт йўлини сал кам йигирма йил ичида босиб ўтди. Ҳозир Совет Иттифоқи — қудратли индустриал давлатдир. СССР саноатининг ялпи маҳсулоти 1954 йилда 1913 йилги даражадан (таққосланувчи нархлар блан ҳисоблаганда) 35 марта ошиб кетди, ишлабчиқариш воситалари ишлаб чиқариш қарийб 60 марта, электр қуввати ишлаб чиқариш 75 мартадан зиёдроқ, машинасозлик маҳсулоти чиқариш 160 мартадан зиёдроқ ортиб кетди. Мана шу рақамлар планли социалистик хўжалик системасининг жуда катта афзалликларини кўрсатиб турибди.

Ўртоқлар! Маркс ва Энгельс пролетар революцияси ғалаба қозонгандан кейин қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш зарурлигини доҳийлик блан олдиндан кўрган эдилар. Лекин улар бу қайта қуришнинг конкрет программасини бераолмас эдилар ва шундай вазифани ўз олдиларига қўймаган ҳам эдилар, албатта. Ўзининг чуқур ма'нолиги ва деҳқонлар кенг оммасига тушунарли бўлиши жиҳатидан мана шундай гениал программа Лениннинг кооператив планида берилди.

Ленин та'лим бериб айтган эдики, ишлабчиқариш воситалари ижтимоий мулк бўлган даврда, пролетариат буржуазия устидан синфий ғалаба қозонган даврда цивилизацияли кооператорлар тузуми — социализм тузумининг ўзгинасидир. Бизнинг бурчимиз ва бизнинг вазифамиз «энг қолоқ ишлабчиқариш бўлган деҳқончиликни, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини янги йўлга солиш учун, уни қайтадан тузиш учун ишлатишдан ва деҳқончиликни онгсизлик блан, эскича тарзда олиб борилган касбдан фанга ва техника ютуқларига асосланган касбга айлантиришдан иборатдир» (28 том, 373 бет).

Лениннинг кооператив плани блан қуролланган Коммунистик партия ўсиб бораётган социалистик индустриянинг қувватига таяниб, ишчилар синфини, кўпмиллионли деҳқонлар оммасини қишлоқдаги улуғ қайта тузиш ишига бошлаб борди. Октябрь революциясидан кейин ёппасига коллективлаш ва қулоқларни синф сифатида тугатиш каби зўр ўзгаришларни, ишлабчиқариш асосларини, ўн миллионлаб кишиларнинг турмушини ва маишатини ўзгартириб, бундай кенг миқ'ёсда ва бундай чуқур равишда қайта қуриш каби ишларни жаҳон ижтимоий ҳаракатлар тарихи кўрган эмас. Қишлоқда эски майда хусусий мулкчилик тузуми ўрнига, ундаги майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг асрлар давомида бўлиниб-ажралиб келиши ва омманинг азоб-уқубат тортиши ўрнига янги, илгари мисли кўрилмаган колхоз тузуми барпо қилинди. Бу тузум деҳқонларнинг табақаланишини, қулоқлар асоратини, қишлоқдаги камбағалчилик ва қашшоқликни йўқотди, қишлоқ хўжалиги ишлабчиқарувчи кучларининг ривожланиши, колхозчи деҳқонлар моддий фаровонлиги ва маданиятининг ўсиши учун чексиз имкониятлар очиб берди. Колхоз тузуми совет халқининг жуда катта ғалабасидир.

Мамлакатнинг индустриялаш, қишлоқ хўжалигининг коллективлаш, шу асосда эксплуататор синфларни ва одамни одам томонидан эксплуатация қилишни туғдирувчи сабабларни тугатиш, жуда катта маданий революцияни амалга ошириш, миллатларнинг ўз ихтиёрлари блан иттифоқ бўлишларига, бир-бирларига қардошларча ишонишларига ва ўзаро ёрдамлашувларига асосланган кўпмиллатли давлат барпо қилиш — мана шуларнинг ҳаммаси улуғ Ленин чизиб берган режаларнинг, я'ни Россияни қудратли социалистик давлатга айлантириш тўғрисидаги режаларнинг тўла тантанаси бўлди.

Совет халқи ўзининг улуғ ишлари блан ҳақли равишда фахрланади. Ленин партияси совет кишиларини илмий коммунизм программасида кўрсатиб берилган йўлдан оғишмай олға боришга чақирмоқда. Ленинизм абадий тирик, ҳаётбахш та'лимотдир. Ленин социалистик революция бошланган пайтдаёқ бундай деган эди: «Биз социалистик асосда қайта тузишни бошлар эканмиз, ўз олдимизга бир мақсадни, чунончи... коммунистик жамиятни тузиш мақсадини аниқ қилиб қўйишимиз лозим ва, провард натижада, бу қайта тузиш ишлари ана шу мақсадга хизмат қилиши керак» (27 том, 118 бет). Ленинизм шундай компасдирки, шундай қудратли ғоявий қуролдирки, у, партиямизга ижтимоий тараққиётнинг энг мураккаб қонунларини тўғри пайқаб олиш, тарихий воқиаларнинг ички боғланишини тушуниб олиш, уларнинг боришини олдиндан кўриш, халқ оммасини ишонч блан бошлаб бориш имкониятини беради.

Социалистик жамият қуришни туталлаш ва коммунизмнинг иккинчи фазасига аста-секин ўтиш социалистик жамиятнинг ишлабчиқарувчи кучларини янада ниҳоят даражада ўстиришни, бутун халқ хўжалигини электрлаштиришни, экономиканинг ҳамма тармоқларида меҳнатни комплекс равишда механизациялашни туталлашни, олий техника базасида ишлабчиқаришни автоматлашни ва химизациялашни кенг ривожлантиришни талаб қилади. Оғир индустрияни жадал сур'атлар блан ривожлантириш бутун ижтимоий ишлабчиқаришни кенг миқ'ёсда мана шундай олға силжитишнинг негизидир.

Ҳозирги замон шароитида оғир индустрияни тез сур'атлар блан ривожлантиришнинг зарурияти қолмади ва оғирлик марказини енгил саноат масалаларига кўчириш мумкин, деб да'во қилиб чиққан айрим илмий ва практик ходимларнинг қарашлари фанга хилоф эканлигини, сиёсий жиҳатдан зарарли эканлигини ва моҳияти э'тибори блан ленинизмга қарши қарашлар эканлигини партия очиб ташлади. Бундай қараш халқимизни қуролсизлантирадиган чирик назариядир. Бундай назарияни амалга ошириш — бутун халқ хўжалигини заифлаштириш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини пасайтириб юбориш, социалистик давлатнинг мудофаа қувватига путур етказиш деган ма'нони билдирар эди.

Ленин кўрсатиб ўтган эдики: «социализмнинг бирдан-бир мумкин бўлган иқтисодий асоси—йирик машина индустриясидир. Кимки буни унутар экан, у коммунист эмас» (32 том, 550 бет). Оғир саноатнинг устун даражада ўсишини, ишлабчиқариш воситалари ишлаб чиқаришнинг устун даражада ўсишини Ленин иқтисодий қонун, деб атаган эди. Модомики, бу қонун капитализм учун тўғри экан, демак, у социализм учун мутлақ ва юз марта кўпроқ аҳамиятга эга бўлади, чунки етук социалистик жамият индустриал тараққиёт даражаси жиҳатидан ҳарқандай энг ривожланган капиталистик мамлакатдан анча устун бўлиши лозим.

Оғир индустрия социалистик экономиканинг гранит фундаменти, унинг асосий суянчиғи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ишлабчиқарувчи кучларни кенг миқ'ёсда юксалтириш, мамлакатнинг иқтисодий қудратини ва мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашни туталлаш, халқ исте'моли буюмлари ишлаб чиқарувчи тармоқларни кескин равишда юксалтириш вазифасини фақат оғир индустрияни тез сур'атлар блан ривожлантириш базасидагина ҳал қилиш мумкин. Юқори техника базасида социалистик ишлабчиқаришни узлуксиз ўстириш ва такомиллаштириш йўли блан бутун жамиятнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондиришни та'минлаш социализмнинг асосий иқтисодий қонунидир. Халқнинг фаровон бўлиши, яйраб-яшнаши Коммунистик партиянинг бутун фаолиятининг олий мақсадидир. Партиянинг оғир индустрияни тез сур'атлар блан ривожлантиришга қаратилган бош йўлини амалга ошириш воситаси блангина қишлоқ хўжалигининг, енгил ва озиқ-овқат саноатининг ҳамма тармоқларини янада юксалтиришни, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини тинмай оширишни та'минлаш мумкин.

Ленинизмга содиқ партиямиз бундан буён ҳам ишлабчиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни устун даражада ўстирган ҳолда, бутун ижтимоий ишлабчиқаришни тўхтовсиз юксалтиришга қаратилган бош йўлини изчиллик блан амалга ошираборади, биринчи навбатда ёқилғи саноатини, металлургия саноатини, энергетикани, машинасозликни, химия саноатини, қурилиш индустриясини тез сур'атлар блан олға томон ривожлантираборади. Халқнинг ва социалистик давлатнинг туб манфаатлари шуни талаб қилади.

Бунда энергетика қувватларини систематик равишда кўпайтирабориш ва машинасозликни жадаллик блан ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ленин та'лим бериб айтган эдики, «агар Россия жуда кўп электр станциялар ва жуда қудратли техника жиҳозлари блан қопланадиган бўлса, у вақтда бизнинг коммунистик хўжалик қурилишимиз бўлғуси социалистик Европа ва Осиё учун намуна бўлади» (31 том, 551 бет).

Ишчилар синфи, бизнинг олимларимиз, инженерларимиз ва техникларимиз электрлаштириш тўғрисидаги Ленин программасини амалга оширмоқдалар. Бешинчи бешйилликнинг фақат тўрт йили мобайнидагина, майда электр станцияларни ҳисобламаганда ҳам, 500 га яқин электростанция қурилди ва кенгайтирилди. 1954 йилнинг ўзидагина электрстанцияларда Лениннинг ГОЭЛРО плани бўйича дастлабки 10 йил ичида ишга солинганига қараганда қарийб икки ярим марта кўп қувват ишга солинди. Бу йил жаҳондаги энг катта гидростанция — проектда кўрсатилган умумий қуввати 2 миллион 100 минг киловатт бўлган Куйбишев гидростанцияси қисман ишга туширилади ва саноатга ток беради. Яқин йиллар ичида Сибирьнинг катта дар'ёларида гидроэнергиянинг гигантлари қурилади, буларнинг ҳарқайсиси машҳур ДнепроГЭСга қараганда бирнеча марта кўп электр қуввати берадиган станциялар бўлади.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ҳозирги замон техникаси блан қуроллантириб турувчи машинасозлик оғир индустриянинг ўзагидир. Энг янги машина техникаси—техника прогрессининг негизидир. «Ҳамма ерда машиналарни кўпроқ ишга солиш, машина техникасини мумкин қадар кенгроқ ишлатишга кўчиш керак»,— Ленин шундай деб та'лим берган эди (31 том, 542 бет). Партия олимларимиздан, инженерларимиздан ва техникларимиздан хотиржамликка берилиб кетмасликни ва мағрурланмасликни, ҳамиша жаҳон фанининг ва техникасининг энг янги муваффақиятлари даражасида бўлишни, илғор техникани халқ хўжалигига кенг жорий қилишни, совет фанини ва техникасини тинмай такомиллаштиришни, олға суришни, ҳарқандай қолоқликка, турғунликка, эскиликка қарши қат'ий кураш олиб боришни талаб қилади.

Ленин қайта-қайта та'кидлаб айтган эдики, инсоният тўплаган билимларнинг ҳаммасидан, маданият бойликларининг ҳаммасидан фойдаланиб коммунизм қуриш керак. Ватан ва приоритет тўғрисидаги умумий формулаларни ҳадеб такрорлайверадиган, аммо ҳақиқатда эса олға ҳаракат қилмайдиган, турғунликда тураверадиган кишини ватанпарвар деб бўлмайди. Чинакам ватанпарвар шундай киши бўладики, у ўз фаолиятида мамлакатимизнинг энг илғор тажрибасига, муайян соҳада мавжуд бўлган бутун жаҳондаги тажрибага таяниб туриб, совет фанининг ва техникасининг биринчилигини амалда та'минлайди, техника прогресси учун курашади, ишлабчиқариш соҳасида юксак кўрсаткичларга эришади.

Ўртоқлар! Партия коммунизмнинг қудратли ва ҳартомонлама ривожланган моддий-ишлабчиқариш базасини яратишдан иборат катта ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш блан бирга қишлоқ хўжалиги масалаларига алоҳида э'тибор бермоқда. Қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтирмасдан туриб, енгил ва озиқ-овқат саноатини янада тўхтовсиз ривожлантириш вазифасини ҳал қилиб бўлмайди. Партия енгил ва озиқ-овқат саноатини тинмай ривожлантиришга ҳамиша э'тибор бериб келди ва э'тибор бермоқда. Маркс ва Энгельс олдиндан кўриб айтган эдиларки, хусусий мулкчилик занжирларидан халос қилинган қишлоқ хўжалиги «гуллаб-яшнаш палласига киради ва жамиятга тўла равишда етарлик миқдорда маҳсулотлар беради» (Асарлар, 5 том, 477 бет). Бизнинг социалистик қишлоқ хўжалигимиз эндиликда ўз тараққиётининг шундай босқичига етиб қолдики, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ҳамма имкониятлардан тўғри фойдаланган тақдирда у, жамиятга тўла равишда етарлик миқдорда маҳсулотлар бераолади. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари, я'ни 1960 йилгача дон етиштиришни камида 10 миллиард пудга етказиш ва чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини етиштиришни икки-икки мартадан зиёдроқ кўпайтириш вазифасини белгилаб берган қарорларининг ўзи халқ хўжалигининг мана шу жуда катта вазифасини ҳал қилишнинг тўлиқ, илмий жиҳатдан асосланган ва амалий программасидир.

Пленум қарорларининг амалга оширилиши аввало ҳамма экин майдонларида дон экинларининг ҳосилдорлигини кескин равишда ошириш ва ялпи дон маҳсулотини кўпайтириш, шунингдек ҳосилни ўриб-йиғиб олишда бўладиган нобудгарчиликни жиддий равишда камайтириш учун қизғин кураш олиб боришни талаб қилади. 1956 йилгача 28—30 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг ҳамма тармоқларининг асоси бўлган дон хўжалигимизни анча кенгайтиришга ва ишлатилмасдан ётган жуда катта ер бойликларини бошқа тармоқлар учун ишга солишга имкон беради, чунки қишлоқ хўжалигида ер ишлабчиқаришнинг асосий воситасидир.

Партия дон хўжалигини юксалтиришнинг энг қисқа ва ғоят яхши натижа берадиган йўлини — экин майдонларининг структурасини асосли равишда ўзгартиришни, маккажўхори экишни 1960 йилгача камида 28 миллион гектарга етказиб кўпайтиришни кўрсатиб берди. Шу нарса диққатга сазовордирки, 1921 йилдаёқ Ленин маккажўхорининг катта афзалликлари борлигини кўрсатиб берган эди. У, Г. М. Кржижановскийга ёзган хатида «маккажўхорини пропаганда қилмоқ ва деҳқонларни маккажўхори экишга **ўргатмоқ** учун бирқанча жуда аниқ ва жуда муфассал ўйланган тадбирлар ишлаб чиқишни...» талаб қилган эди.

Маккажўхори етиштиришни кескин равишда кўпайтириш — дон хўжалигини жиддий равишда юксалтиришнинг калитидир. Дон хўжалигини юксалтириш эса, чорвачилик проблемасини, мамлакатимизни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари блан ва енгил ҳамда озиқ-овқат саноатини хомаш'ё блан мўл-кўл қилиб та'минлаш проблемасини ҳал қилиш учун бирданбир тўғри йўлдир. КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларининг кучи ва донолиги ҳам шундадир. Колхозчи деҳқонлар, МТС ва совхоз ходимлари ўртасида ватанпарварликнинг зўр куч блан юксалаётганлиги, илғор хўжаликларнинг тажрибалари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг топшириқлари муддатидан олдин бажарилиши мумкинлигига ва бажарилишига гаровдир. **(Олқишлар).**

Коммунистик партия қишлоқ хўжалигининг ишлабчиқарувчи кучларини янада юксалтириш учун курашда кейинги даврда бирқанча муҳим тадбирларни, я'ни йирик социалистик ишлабчиқаришни олиб боришнинг Ленин принципларига мувофиқ келадиган тадбирларни амалга оширди.

Ленин та'лим берган эдики, омманинг революцион ғайратини ҳарқайси ходимнинг маҳсулотни кўпайтиришга шахсан моддий манфаатдорлиги блан бирга қўшиш йўли блан коммунизм қуриш керак. Партия колхозчиларнинг, МТС ва совхоз ходимларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришга шахсан моддий манфаатдор бўлишларини та'минлайдиган тадбирларнинг бутун бир системасини амалга оширди. Партия ижтимоий бойликни ўстиришнинг мана шу қудратли воситасини бундан буён ҳам такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Шу муносабат блан қишлоқ хўжалигини планлаштириш соҳасида яқинда амалга оширилган реформа катта прогрессив аҳамиятга эгадир. Партия ва Ҳукумат қишлоқ хўжалигини планлаштириш соҳасидаги ҳаддан ташқари оширилиб юборилган, турмушдан ажралиб қолган бюрократик системани бекор қилдилар, чунки бу система колхозларнинг, МТСлар ва совхозларнинг ташаббусини бўғиб қўйган эди ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ривожлантиришдаги мас'улиятини ва манфаатдорлигини сусайтириб юборган эди.

Ленин бундай деб кўрсатган эди: «Калуга губерниясидаги деҳқончилик Қозон губерниясидаги деҳқончиликдан фарқ қилади. Бу бутун саноатга ҳам тааллуқли. Бу барча ма'мурий ишларга ёки бошқарув ишларига ҳам тааллуқли. Бу масалаларнинг ҳаммасида маҳаллий хусусиятларни назарга олмаслик бюрократик централизмга ва шунинг сингариларга берилиб кетиш бўларди, жойлардаги ходимларнинг маҳаллий хусусиятларини назарда тутиб иш кўришларига,—бундай иш кўриш эса оқилона ишнинг асосидир,—ана шундай иш кўришга халақит бериш бўларди» (33 том, 375 бет). Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни планлаштиришнинг янги тартиби, товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми асос қилиб олинган тартиб ҳар юз гектар ердан энг кўп миқдорда маҳсулот олишда колхозлар, МТСлар ва совхозларнинг ташаббусини авж олдириб юборади. Бу тартиб колхозлар ва колхозчиларнинг, МТС ва совхоз ходимларининг манфаатларини давлат манфаатлари блан, умумхалқ манфаатлари блан бирбирига жуда яхши боғлайди.

Ўртоқлар! Мамлакатимизнинг ўн минглаб колхозлари йирик социалистик қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини бошқаришда юксак намуналар кўрсатмоқдалар. Бундай колхозларда ижтимоий бойлик йилдан-йилга кўпаймоқда, товар маҳсулот ўсмоқда. Бундай колхозларда артель а'золари катта-катта даромадлар олмоқдалар, маданий ҳаёт барқ уриб яшнамоқда.

Лекин илғор колхозлар блан бир қаторда, бизда ҳали ҳам қолоқ, иқтисодий заиф колхозлар бор. Тажриба шуни кўрсатадики, ҳарқайси колхознинг хўжалик аҳволи колхоз тепасида ким раҳбар бўлиб турганлигига ниҳоят даражада боғлиқдир. Яхши раис бўлса ҳарқандай колхоз, ҳатто энг қолоқ колхоз ҳам бир-икки йил ичида илғор хўжаликка айланади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигининг қолоқлигига хотима бериш ва барча колхозларни илғорлар даражасига, юксак товар маҳсулоти берадиган хўжаликлар даражасига етказиб олиш вазифаси қўйилган ҳозирги пайтда партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати колхоз қишлоғига ёрдам беришга, қолоқ колхозларни раҳбар кадрлар блан мустаҳкамлашга чақириб мурожаат қилди.

Йирик социалистик қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг ташкилотчиси бўлиш — фахрли вазифадир. Тарихий вазифани — мамлакатимизнинг барча колхозларини юксак даражада товар маҳсулот берадиган, моддий жиҳатдан мўл-кўл бўлган ва маданий бойликларга тўлиб-тошган, гуллаб-яшнаб турган хўжаликларга айлантириш вазифасини ҳал қилишда актив қатнашиш ҳарбир совет ватанпарвари учун катта шарафли ишдир. И. В. Сталин бундай деб кўрсатган эди: «Агар ҳамма колхозчилар,— фақат кўпчилик колхозчиларгина эмас, балки ҳамма колхозчилар,— виждонан ҳалол ишлайдиган бўлсалар, колхозларда маҳсулотлар тўлиб-тошиб кетади, улар ҳарқандай нози-не'матга кўмилиб кетади, бизнинг мамлакатимиз ҳам жаҳонда энг бой мамлакат бўлиб қолади». Бизнинг Коммунистик партиямиз ҳозир худди мана шундай вазифани ҳал қилмоқда. Партиямиз бу вазифани муваффақият блан ҳал қилади. **(Олқишлар).**

Ўртоқлар! Улуғ Ленин партияга та'лим бериб айтган эдики, эришилган муваффақиятлар блан ҳечқачон махлиё бўлиб қолмаслик керак ва асосий э'тиборни ҳали ҳал қилинмаган масалаларга қаратмоқ керак.

Қувватга ва ижодий кучларга тўлган Совет мамлакати экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида тинмай олға бормоқда. Революциядан олдинги Россия чўян ва пўлат ишлаб чиқаришнинг ҳажми жиҳатидан жаҳонда бешинчи ўринда, кўмир чиқариш жиҳатидан олтинчи ўринда ва электр қуввати ишлаб чиқариш жиҳатидан ўн бешинчи ўринда турган бўлса, эндиликда СССР мана шу ҳамма тармоқлар соҳасида Америка Қўшма Штатларидан ташқари барча капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди ва бу жиҳатдан жаҳон ишлабчиқаришида иккинчи ўринда турибди.

Броқ, биз Ленин томонидан Совет Иттифоқи олдига қўйилган асосий иқтисодий вазифани ҳали ҳал қилганимиз йўқ. И. В. Сталиннинг партия XVIII с'ездидаги докладида ва партия XVIII с'ездининг қарорларида шу нарса кўрсатиб ўтилган эдики, агар биз аҳоли жон бошига ҳисоблаганда маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан асосий капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетганимиздагина, бизда маҳсулотлар мўл-кўл бўлади ва биз коммунизмнинг биринчи фазасидан унинг иккинчи фазасига ўтиш имкониятига эга бўламиз.

Қарама-қарши бўлган икки системанинг иқтисодий мусобақаси соҳасида бутун устунлик ёш, социалистик хўжалик системаси томонидадир. Дарҳақиқат, агар СССР блан асосий капиталистик мамлакатлар хўжалик тараққиётининг сур'атлари таққослаб қаралса, шу нарсани кўриш мумкинки, кейинги чорак аср мобайнида саноат маҳсулотининг ҳар йиллик ўртача ўсиш сур'ати СССРда (уруш йилларини чиқариб ташлаб ҳисоблаганда) 18,2 процентни, Қўшма Штатларда 2,4 процентни, Англияда 3,6 процентни, Францияда 2,1 процентни ташкил қилди. Бошқача қилиб айтганда, социалистик экономика капиталистик экономиканинг ривожланиш сур'атларига қараганда кўп марта тез сур'атлар блан олға томон ҳаракат қилмоқда. Социалистик экономика халқ хўжалигини планли (пропорционал) ривожланиш қонунининг амал қилишига бўйсундирилгандир. Капитализмга хос бўлган ишлабчиқариш анархияси, емирувчи конкуренциялар ва хўжаликни хароб қилувчи иқтисодий кризислар бизда йўқ. Антагонистик синфлар ва эксплуататор синфларнинг текинхўрлик блан исте'мол қилишлари бизда йўқ. Жамиятдаги бутун бойликларни ишлаб чиқарувчи ва шу бойликларнинг эгаси бўлган бутун совет халқи ижтимоий ишлабчиқаришни тинмай ўстиришга ғоят манфаатдордир. СССРнинг асосий иқтисодий вазифаси тарихий жиҳатдан жуда қисқа муддатлар ичида муваффақиятли ҳал қилинади, деган чуқур ва илмий жиҳатдан асосланган ишончимизнинг негизи шундадир. **(Давомли қарсаклар).**

Асосий иқтисодий вазифани ҳал қилиш учун, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини чинакам мўл-кўл қилиш учун курашда ижтимоий меҳнатнинг унумдорлигини қат'ий равишда ошириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Ленин: «Меҳнат унумдорлигини ошириш асосий вазифалардан биридир, чунки меҳнат унумдорлигини оширмай туриб коммунизмга узил-кесил ўтиб бўлмайди», деб та'лим берган эди (29 том, 105 бет). СССРда меҳнат унумдорлигининг ҳозирги даражаси халқ хўжалигининг ўсган талабларини қондирмаётир ва халқ хўжалигимизнинг техника блан қуролланганлик даражасига мос келмаётир. Энди гап айрим рекордлар устида бормайди. Вазифа шуки, тараққиётимизнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучи бўлган социалистик мусобақага таяниб, энг бой техникадан тўла фойдаланиб ва меҳнатни тўғри ташкил қилиб, бешинчи бешйиллик планни ва КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорларини муддатидан олдин бажаришга эришиш, ҳарқайси корхонада, ҳарқайси цехда, ҳарқайси совхозда ва колхозда меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ва анча оширишни та'минлаш керак.

Октябрь революциясининг ғалабаси туфайли халқ жаҳон тарихида биринчи марта ўлароқ ўз тақдирига ўзи хўжайин бўлиб қолди. Ленинизм тарихнинг ҳақиқий яратувчиси бўлган халқ оммасининг ҳал қилувчи ролини э'тироф қилади ва шунга асосланади. Ленин та'лим бериб айтган эдики, «халққа ишонган, жўш уриб турган халқ ижодиёти булоғидан сув ичган кишигина ғалаба қилаолади ва ҳокимиятни ўз қўлида тутиб қолаолади» (26 том, 297 бет). Коммунистлар партияси халқ блан ғоят мустаҳкам равишда боғлангандир. Чинакам халқ ҳокимияти бўлган социалистик тузум партия, давлат ва халқнинг бузилмас бирлигини ўзида гавдалантиради.

Коммунистик қурилишнинг катта ва мураккаб вазифаларини муваффақиятли ҳал қилмоқ учун партия давлат аппаратини тўхтовсиз такомиллаштиработиришни талаб қилади. Ленин Совет ҳокимиятининг энг муҳим вазифаси «Совет аппаратини қисқартириш, уни янада мукаммал суратда ташкил қилиш, сансалорликни, бюрократизмни битириш ва унумсиз ҳаражатларни камайтириш йўли блан шу аппаратни системали суратда кичрайтирабоўришдан ва арзонлаштиришдан иборатдир» деб ҳисоблаган эди. (33 том, 465 бет).

Совет аппаратининг фаолияти тўғрисида Ленин чизиб берган принципларга асосланиб, Коммунистик партия моддий ишлабчиқариш соҳасида, я'ни турмушнинг барча нози-не'матлари яратилаётган соҳада машғул бўлган меҳнатнинг ҳиссасини систематик равишда кўпайтириш йўлини ўтказиб келмоқда. Коммунистик партия давлат аппаратини қат'ий равишда қисқартиришга ва арзонлаштиришга, давлат аппаратининг ҳисоботлар ва резолюциялар тузиш соҳасида эмас, балки жонли ташкилотчилик фаолият соҳасида ишлайдиган бўлишига ҳаракат қилмоқда, давлат аппаратининг барча звенолари амалда Коммунистик партия сиёсатини — жаҳонда энг прогрессив ва ҳаётбахш сиёсатни ўтказишини талаб қилмоқда. Партия жамоат мулкига нисбатан ношудлик блан қарашга, майда буржуача тартибсизликка, очкўзликка, манфаатпарастликка ва буржуа ахлоқининг бошқа кўринишларига қарши қат'ий кураш олиб бормоқда. Партия фанни ва маданиятни ривожлантириш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли вужудга келган совет тузуми ўзининг қудратли ҳаётий кучларини тобора кенг миқ'ёсда ишга солмоқда. Совет ерининг ҳамма томонида халқ ижодиёти булоқлари қайнаб-тошмоқда. Совет халқининг экономика, маданият, давлат қурилиши соҳаларидаги яратувчилик фаолияти жаҳоншумул — тарихий аҳамиятга эгадир, чунки Совет Иттифоқи инсониятнинг улуғ озод қилувчилик идеяларини тарғиб қилаётган жарчидир, янги, коммунистик даврнинг байроқдоридир. **(Олқишлар)**

(ОХИРИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Ленин идеялари коммунизм йўлини ёритмоқда

Москвада В. И. Ленин туғилган куннинг 85 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда ўртоқ Д. Т. ШЕПИЛОВ доклади

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

II.

Ўртоқлар! Ленин ҳозирги замон капитализмининг қонуниятларини чуқур анализ қилиб, империализм паразитик ва чириб бораётган капитализм эканлигини, социалистик революция арафаси эканлигини исбот қилиб берди. Капитализмнинг чуқурлашиб бораётган умумий кризиси унинг ҳамма томонларини — экономикасини ҳам, сиёсатини ҳам қамраб олди. Бу кризиснинг энг муҳим белгилари шулардир: жаҳоннинг икки системага — социалистик системага ва капиталистик системага бўлиниши; жаҳон капиталистик системасининг тобора бузилиб бориши ва янгидан-янги мамлакатларнинг ундан янада ажралиб чиқиши; жаҳон социалистик системасининг тинмай ўсиши ва юксалиши, унинг қудрати тўхтовсиз кучайиб бориши.

Ленин тарихий тараққиётнинг ўн йиллар давомида қандай йўллар блан боришини кўрсатиб, бундай деган эди: «Капитализм ва унинг қолдиқларининг йўқ қилиниши, коммунистик тартиб асосларининг ўрнатилиши жаҳон тарихининг ҳозир бошланган янги даврининг мазмунини ташкил этади». (31 том, 412 бет). Тажриба Ленин олдиндан кўриб айтган гапларининг тамомила тўғрилигини тўла равишда тасдиқлади. Ленин идеялари прогрессив инсониятнинг ўй-фикрларини ҳақиқатан ҳам ўзига жазб қилди. Бу идеялар жаҳон тарихининг бутун боришига қудратли та'сир кўрсатмоқда.

Меҳнат блан капитал ўртасидаги, империалистик давлатлар ўртасидаги, метрополиялар блан мустамлакалар ўртасидаги зиддиятларнинг чуқурлашуви империалистик система пойдеворини емирмоқда. Ҳозирги замон капитализмининг, биринчи навбатда Америка капитализмининг паразитик аломатлари тобора яққолроқ кўринмоқда. Корхоналарнинг иш блан тўла та'минланмаслиги доимий тусга кириб бораётганлиги ва доимий оммавий ишсизлик, ишлабчиқариш имкониятлари блан аҳолининг харид қобилияти камайиб бораётганлиги ўртасидаги диспропорциянинг кучайиши, экономиканинг кенг равишда ҳарбийлаштирилаётганлиги, буржуазия олаётган фойдаларнинг ва буржуазия исрофгарчилигининг ниҳоят даражада кўпайиб бораётганлиги, ишчилар синфи қашшоқланишининг ва фермерлар хонавайрон бўлишининг мисли кўрилмаган даражада кучаяётганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси муқаррар равишда вайрон қилучи иқтисодий кризисларга олиб келмоқда. Америка Қўшма Штатлари судхўр давлат бўлиб олиб ва бошқа мамлакатларнинг халқларини қул қилиш ва систематик равишда талаш сиёсатини ўтказиб, ҳозирги вақтда умуман капиталистик экономикани издан чиқарувчи энг катта манба'ларнинг бири бўлиб қолди. Капиталистик дун'ёнинг бу асосий мамлакати капитализмни иқтисодий ларзага солаётган асосий марказ бўлиб қолди.

Енгилмас ички кучларнинг ҳаракати натижасида жаҳон капиталистик системаси бузилиб-бўлиниб кетмоқда. Европадаги кўпгина мамлакатлар, Европадаги бутун аҳолининг қарийб ярмиси яшаб турган мамлакатлар капитализмдан узил-кесил ажралиб чиқиб, тинчлик, демократия ва социализм лагерига қат'ий равишда ўтдилар. Франция, Италия сингари мамлакатларда коммунистик партиялар кўпмиллионли меҳнаткашлар оммасига етакчилик қилмоқдалар. Бу эса, шу мамлакатлар ички ҳаётининг жиддий фактори бўлибгина қолмасдан, шу блан бирга Европадаги бутун вазиятнинг ҳам жиддий факторидир. Ғарбий Германияни учинчи жаҳон уруши ўчоғига айлантиришдан иборат жинояткорона сиёсатга қарши, бир бутун, мустақил демократик ва тинчликсевар Германия барпо қилиш учун герман халқининг олиб бораётган кураши кучаймоқда. Шундай қилиб, эски империалистик Европа чуқур ва тобора кучаяётган кризисни бошдан кечирмоқда.

Жаҳонга ҳукмрон бўлишни да'во қилаётган америкали империалистлар Европани, унинг эрксевар традицияларини, бебаҳо маданият хазиналари блан бирга Америка империясининг вассалига айлантиришга уринмоқдалар. Бу қора ниятларнинг тамомила барбод бўлиши муқаррардир. Янги озод социалистик Европа туғилиб ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Бу социалистик Европа халқларининг минг йиллар мобайнида тўплаган барча моддий ва ма'навий бойликларининг тарих белгилаб берган қонуний меросхўридир. Бу социалистик Европанинг экономикани ва маданиятни гуллатмоқ, инсон шахсини улуғламоқ учун чексиз имкониятлари бор. Келажак ҳам мана шу социалистик Европаникидир.

Ленин капитализм кризиси Европа блан чекланмаётир. Империализм мустамлака системасининг таназзули тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётганлиги капитализм умумий кризисининг таркибий қисмидир. Ленин — миллий мустамлака масаласининг энг буюк назариячисидир. Ленин номи, Ленин та'лимоти — Осиё, Африка, бутун Шарқ халқларининг империалистик ва ирқий зулмга қарши, ўз озодликлари ва миллий мустақилликлари учун олиб бораётган курашларининг символи ва байроғидир. Ленин тарихий тараққиёт сур'атларининг ниҳоят даражада тезлашиб бораётганлиги Хитой, Ҳиндистон сингари мамлакатларнинг қайнаб жўш ураётганлиги блан, янгидан-янги юз миллионлаб кишиларнинг ҳаракатга келганлиги блан, бу ҳаракатни энг кучли ва қудратли империалистик давлатлар тўхтатиб қолишга қодир эмасликлари блан боғланган ҳодиса эканлигини кўрсатиб айтган эдики, Шарқ мамлакатлари «Шундай тараққиёт йўлига кирдиларки, бу йўл жаҳон капитализмини кризисга олиб келмасдан қолмайди». (33 том, 522 бет). Турмуш олдиндан кўриб айтилган шу гапларни тўла равишда тасдиқлади.

600 миллион хитой халқининг ажнабий империализм блан ички феодал реакциянинг бирлашган кучлари устидан қозонган ғалабаси Октябрь социалистик революциясидан кейин социализмнинг жаҳон шумул-тарихий ғалабаси бўлди ва империализмнинг жуда оғир мағлубияти бўлди. Бу ғалаба Осиёдаги ва Тинч океан ҳавзасидаги аҳволни, бутун халқаро вазиятни тубдан ўзгартирди, мустамлака эксплоатацияси доирасининг учдан бир қисми бирданига қисқариб кетди. Ўз мамлакатини индустриялаш учун, социализм негизларини қуриш учун муваффақиятли кураш олиб бораётган эркин ва улуғ хитой халқининг яратувчилик фаолиятига бутун прогрессив инсоният қойил қолмоқда ва бу яратувчилик фаолияти мустамлака Шарқидаги юз миллионлаб кишиларнинг ақли ва қалбини жўш урдирмоқда. **(Қарсаклар)**

Шу блан бир вақтда, Ҳиндистон, Индонезия, Бирма эски мустамлака режимини ўз елкаларидан улоқтириб ташладилар. Осиё ва Африка қит'аларида яшовчи 1 миллиард 600 миллион аҳолининг вакиллари иштироки блан бўлаётган Конференция, я'ни Осиё ва Африка мамлакатларининг Конференцияси Шарқ мамлакатларининг ҳарқайсиси экономика ва ижтимоий ҳаракатларнинг формалари соҳасида ўз хусусиятларига эга эканлигини кўрсатади. Ленин озодликка ва мустақилликка ташналик уларнинг ҳаммасини бирлаштирмоқда. Империализмнинг ҳамма нарсага қурби етади, деган афсона мустамлака мамлакатларида абадий пучга чиқди. Жаҳон империалистик кучларининг ва, аввало, халқаро жандарм бўлиб қолган Қўшма Штатларнинг Осиё халқларининг ўз озодликлари ва мустақилликлари учун олиб бораётган фидокорона курашини бўғиш йўлидаги реакцион уринишлари кетма-кет мағлубиятга учрамоқда.

Империалистик лагерьнинг буржуа дун'ёқарашининг тор рамкалари блан чекланган идеологлари жаҳон миқ'ёсида бўлаётган чуқур ўзгаришларни изоҳлашга уриниб, бунга коммунистларнинг «кўпорувчи кучлари» қилаётган ҳаракат сабаб бўлмоқда, коммунистлар ҳамма жойда ҳокимиятни қўлга олишга интилаётганликлари сабаб бўлмоқда, ёки қандайдир четдан қилинаётган аралашувларнинг натижаси сабаб бўлмоқда, деб да'во қилмоқдалар.

«Капитализм ҳукмронлигига путур етказилишига кимнингдир ҳокимиятни босиб олмоқчи бўлганлиги сабаб бўлгани йўқ, — деган эди Ленин, — Ҳокимиятни «босиб олиш» бема'нилик бўлур эди. Капиталистик мамлакатларнинг бутун иқтисодий тараққиёти капитализм ҳукмронлигини битиришга олиб бормаганда эди, бу ҳукмронликни тугатиш мумкин бўлмас эди... Агар тарих капитализмнинг туб-томирига путур етказмаганда эди, уни ҳеч бир куч бузиб ташлайолмас эди», (24 том, 444—445 бетлар).

Тарих капитализмнинг туб-томирига путур етказганлиги учун ҳам капитализм ўзининг охирги чекига етиб қолди, капитализм ўрнини социализм олишидан иборат қонуний процессни тўхтаоладиган ҳечқандай куч жаҳонда топилмайди. Бу процессни енгиб бўлмайди, чунки социализм бўлмаса, деб ёзган эди Ленин, инсоният урушдан, очликдан, яна миллион-миллион кишиларнинг ҳалокатидан халос бўлолмайди.

Ижтимоий тараққиётнинг қонуний процесси натижасида ҳозир халқаро майдонда жаҳон миқ'ёсидаги иккита ижтимоий система — жаҳон социализм системаси блан жаҳон капитализм системаси бир вақтда яшаб турибди. Тинчлик, демократия ва социализмнинг улуғ лагери 900 миллион кишини, я'ни ер юзидаги аҳолининг учдан бир қисмидан кўпроғини бирлаштириб турибди. Совет мамлакатининг, Европа ва Осиёдаги халқ демократияси мамлакатларининг тажрибаси шу нарсани яққол та'кидлаб кўрсатмоқдаки, давлатни халқ бошқараётган мамлакатларда, бутун куч ва маблағ халқ манфаатларига хизмат қилаётган мамлакатларда инсон ғайрати ва ижодкорлигининг битмас-туганмас манба'лари очилмоқда, дадил орзулар ва мардонавор планлар амалга оширилмоқда, бундай мамлакатларда хўжаликнинг, маданиятнинг ва халқ фаровонлигининг тўхтовсиз ўсиши тараққиётнинг қонуни бўлиб қолмоқда.

Турли социал системалар ташқи сиёсат соҳасида ҳам турли йўл тутмоқдалар.

Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, барча халқ демократияси мамлакатлари ташқи сиёсат соҳасида улуғ Ленин принципларини амалга ошириб, бутун дун'ёда тинчликни қаттиқ туриб ва изчиллик блан ҳимоя қилмоқдалар. Ленинизм турли социал-иқтисодий системаларнинг бир вақтда тинч, тотув бўлиб яшаши мумкин ва зарур деган фикрга асосланади. Ҳарбир мамлакатда бирор ижтимоий ва сиёсий тузумни ўрнатиш шу мамлакат халқининг ички ишидир. Совет Иттифоқи бошқа давлатларнинг ишларига аралашмайди. Шунинг учун ҳам у ўзининг ташқи сиёсатини изчиллик блан ўтказиб келмоқда. Коммунистик жамият қуришнинг кўп йилларга ва ўн йилларга мўлжалланган улуғ планларини амалга ошириш бутун дун'ёда мустаҳкам ва узоқ муддатга давом қиладиган тинчлик бўлишини талаб қилади. Тинчлик учун кураш — социалистик давлат халқаро сиёсати асосларининг асосидир. Совет Иттифоқи халқлар ўртасидаги дўстликнинг, катта ва кичик халқлар эркинлиги ва мустақиллигининг жарчисидир, тинчликнинг бош қал'асидир.

Улуғ Ленин та'лим бериб айтган эдики, социализм иқтисодий мусобақада капитализм олдида ўз афзалликларини кўрсатиши лозим ва кўрсатади. Совет кишилари шу нарсага аминдирларки, капитализмга нисбатан ўзининг ҳал қилувчи афзалликларини тажрибада исбот қилган социализм тинч иқтисодий мусобақа соҳасида капитализмни узил-кесил енгиб чиқаолади. Совет давлати ўзи барпо бўлган кунларданоқ эски буржуа дун'ёсига мана шундай мусобақани таклиф қилди. Ҳозир ҳам у бу соҳада Ленин принципларига содиқ бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий мусобақа, ўз-ўзидан ма'лумки, ўзаро манфаатдорлик шартлари блан савдо алоқаларини кенг ривожлантиришни тақозо қилади. Савдо-сотиқ алоқалари маданий алоқалар блан самарали равишда тўлдирилиши мумкин. Социализм блан капитализмнинг тинч тотув бўлиб яшаши учун реал база мана шудир. Мана шу база асосида бир бутун коллектив хавфсизлик системаси қурилиши ва муваффақиятли иш олиб бориши бемалол мумкин, социал тафовутлардан қат'ий назар ҳамма давлатларни ўз ичига оладиган мана шундай коллектив хавфсизлик системаси мустаҳкам, барқарор тинчликни гарантиялаши лозим.

Америка Қўшма Штатлари ва шерикларининг агрессив сиёсати Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсат йўлига қарама-қарши бўлиб турибди. Империалистларнинг ҳозирги бутун сиёсатидан шу нарса кўриниб турибдики, улар янги урушга тайёрланмоқдалар. «Зўравонлик сиёсати» деган сиёсат жаҳон миқ'ёсида янги қирғин урушига ошкора тайёрланишдан бошқа нарса эмас. «Зўравонлик сиёсати» янги бир нарса эмас, бундай сиёсат гитлерчилардан бутунича олинган сиёсатнинг ўзгинасидир. Ма'лумки, Гитлер ва унинг малайлари халқаро муносабатлар соҳасида қуйидаги ақидаларни бузилмас ақидалар деб э'лон қилган эдилар: «Ташқи сиёсатда... фақат зўравонлик мантиқигина иш беради». «Дун'ёни фақат қўрқитиш йўли блан идора қилиш мумкин».

Немис фашистларининг «зўравонлик сиёсати»га умид боғлашлари шунга олиб келдики, улар иккинчи жаҳон урушини бошлашга қарор қилдилар. АҚШдаги муайян реакцион доираларнинг «зўравонлик сиёсати»га умид боғлашлари шуни кўрсатадики, улар учинчи жаҳон урушига ошкора тайёргарлик кўрмоқдалар.

АҚШ реакцион доиралари томонидан вужудга келтирилган ҳарбий сиёсий блоклар системаси агрессив стратегияга хизмат қилдирилмоқда. Бу системанинг маркази Шимолий Атлантик блокидир. Энди тамомила равшанки, бу блокда АҚШ блан Ғарбий Германия ўртасидаги ҳарбий иттифоқ асосий роль ўйнайди, бу иттифоқ «Шуман плани» иқтисодий системасининг ҳарбий саноат потенциалига, я'ни Франция-Бельгия-Италия ресурслари ҳисобига йириклаштирилган ва кучайтирилган Рур ҳавзасига таянмоғи лозим. Париж битимлари деб аталган битимларнинг ҳақиқий моҳияти ҳам шундан иборатдир. Бу битимлар герман милитаристик машинасини қайта тиклабгина қолмасдан, шу блан бирга, герман милитаризмининг реваншистлик планларини амалга оширмоқ учун энг қулай шароит вужудга келтиришга ҳам мўлжалланган битимлардир.

Шарқи-Жанубий Осиёнинг «коллектив мудофааси» (СЕАТО) номи остидаги агрессив ҳарбий гуруҳ, араб Шарқида АҚШ ва Англия империалистик планларининг қуроли бўлган Покистон-Туркия ва Туркия—Ироқ блоклари Шимолий Атлантик блокининг тармоқларидир. АҚШ томонидан қурилган ҳарбий плацдармлар ва базаларнинг кенг томир ёйган шохобчалари Совет Иттифоқига, Хитой Халқ Республикасига Европадаги халқ демократияси мамлакатларига хавф солиш учун қурилган. «Зўравонлик позицияси»га асосланган агрессив сиёсат тинмай зўр бериб қуролланишни, ҳарбий талвасани авж олдиришни, атом уруши очмоқчи бўлиб дўқ ва пўписалар қилишни ўз ичига олади, бу сиёсат халқаро вазиятни заҳарламоқда ва тинчликни бузишга олиб келмоқда.

Хўш, мана шу талвасалар ва янги уруш тайёрлаш йўлидаги аҳмоқона планлар, АҚШнинг жаҳонга ҳукмронлигини ўрнатиш планлари тўғрисида нима деса бўлади? Совет Иттифоқи ҳечкимга хавф солаётгани йўқ, у ўзининг тинчлик сиёсатини изчиллик блан юргизиб келмоқда. Совет Иттифоқи ҳамма қурол-яроғларни асосли равишда камайтириш тўғрисидаги, атом қуролини ҳеч сўзсиз тақиқлаб, бу соҳада самарали халқаро контроль ўрнатиш тўғрисидаги, атом энергиясидан нуқул тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисидаги таклифларни қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда. Бизнинг тинчлик сиёсатимизни, ўлмас Ленин сўзлари блан айтганда, ер юзидаги аҳолининг жуда катта кўпчилиги ма'қулламоқда.

Биз ўз кучларимизга ишонганмиз! Тинчлик душманларининг кучайиб бораётган кирдикорларига жавобан совет халқи, демократик лагерьдаги барча давлатлар ўз Қуролли Кучларини янада мустаҳкамлаш ва ўзларининг иқтисодий қудратларини тўхтовсиз ўстириш учун зарур чораларни кўрмоқдалар. **(Давомли қарсаклар).** Империалистлар тинчлик ва демократия лагеридаги халқларни на қўрқита ҳам олмайдилар, ғафлатда ҳам қолдиралолмайдилар. Агарда, империалистик лагерьнинг ақлдан озаётган корчаллонлари халқларнинг иродасига хилоф равишда, янги жаҳон уруши очишга уринадиган бўлсалар, Совет давлати, унинг содиқ иттифоқчилари, капиталистик ва мустамлака дун'ёсидаги барча прогрессив кучлар, я'ни демократия ва тинчлик идеяларини қизғин равишда қўллаб-қувватлаётган кучлар шу қадар қудратли ва шу қадар кенг миқ'ёсда зарбалар берадиларки, бу зарбалар меҳнаткашларни тўхтовсиз эксплуатация қилиш, юз миллионлаб кишиларни қул қилиш, халқ оммасини азоб-уқубатга солиш ва унинг қонини сўриш негизига қурилган империализмнинг бутун чирик биносини вайроналарга айлантириб юборади. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Ленин ўзининг гениал асарларидан бири бўлган «Коммунизмда боларча «сўллик» касали» деган китобида бундай деб ёзган эди: Буржуазия типирчилайверсин, ақлдан озиш даражасига етиб ғазабланаверсин, ҳаддан ошаверсин, аҳмоқликлар қилаверсин, тарих ҳалокатга маҳкум қилган синфларнинг ҳаммаси мана шундай қилиб келганлар. Келажак ҳархолда коммунизмникидир. **(Давомли қарсаклар).** «Коммунизм ижтимоий ҳаётнинг қат'ий равишда ҳамма томонларидан «ўсиб чиқмоқда», унинг новдалари мутлақо ҳар ерда бор... Турмуш ўз ишини қилади» (31 том, 90 — 91 бетлар).

Ҳа, турмуш ўз ишини қилади! Ижтимоий тараққиётнинг турли тенденциялари қанчалик мураккаб ва зиддиятли бўлса ҳам тарихнинг кенг йўли аниқланди. Бу йўл Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин кўрсатиб берган йўлдир, коммунизм йўлидир. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Ўртоқлар! ҳам янги турмуш қуриш соҳасидаги, ҳам, халқаро майдондаги ҳамма ғалабаларимизга коммунистларнинг улуғ партияси туфайли эришдик. Бизнинг партиямиз ишчилар синфи орасидан ўсиб чиқди. Партия совет ижтимоий тузумининг бузилмас кучи бўлган ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини уюштирди ва чиниқтирди. У,халққа ўзининг чексиз ишонганлиги блан кучлидир. Партия Ленин та'лимотига ҳамиша чексиз содиқ бўлиб келди, совет халқини Ленин йўлидан қат'ият блан олиб борди ва олиб бормоқда.

Ленин блан партия коммунизм улуғ ижодий кучларининг жонли тимсолидир. Халқимизнинг инсоният генийсига, ўзининг жонажон Ильичига муҳаббати чексиз ва абадийдир. Халқимизнинг ўзининг доно Коммунистлар партиясига муҳаббати чексиз ва абадийдир. **(Давомли қарсаклар).**

Партия Лениннинг социалистик жамият қуришдан иборат гениал планини амалга оширди. Ленин та'лимотига содиқ бўлган, ўзининг синалган Марказий Комитети раҳбарлик қилаётган бизнинг партиямиз ҳозир коммунистик жамият қурилишининг улугвор вазифаларини муваффақиятли равишда ҳал қилмоқда. Партиямиз бу вазифаларни ҳақиқатан ҳам ғолибона ҳал қилади, чунки партия тарихий ижодиётнинг чўққиларига кўтарган халқнинг яратувчилик кучлари чексиздир, чунки бу мақсадга олиб борадиган йўлни Лениннинг ғолиб идеялари нур сочиб ёритиб турибди. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Яшасин улуғ ижодкор халқимиз! **(Қарсаклар).**

Яшасин шонли Коммунистлар партиямиз! **(Қарсаклар).**

Яшасин ленинизм **(Ленинга, Коммунистик партияга қизғин муҳаббатни ифодаловчи гулдурос, узоқ давом қилучи қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради. Тантанали мажлис қатнашчилари партия гимни «Интернационал»ни куйлайдилар).**

Дўстлик, ўзаро ёрдамлашиш ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида СССР блан Польша Халқ Республикаси ўртасида тузилган шартноманинг ўнйиллигига бағишлаб Варшавада ўтказилган тантанали мажлисда

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Олий Советининг Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг топшириғига биноан сизларни ва сизлар орқали бутун қардош поляк халқини мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдамлашиш ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома тузилган кунга ўн йил тўлиши муносабати блан чин қалбдан табриклашга ижозат берингиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Бу Шартнома совет ва поляк халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликни, чуқур тарихий томирлари бўлган дўстликни абадий мустаҳкамлади. Халқларимизнинг дўстлиги гитлерчи босқинчиларга қарши Совет Иттифоқи ва Польша халқларининг озодлиги ва мустақиллиги учун биргаликда олиб борилган курашда айниқса мустаҳкамланди ва чиниқди.

Халқ Польшаси тараққиётининг ўтган ўн йили капитализмнинг манфур занжирларидан озод бўлиб, социалистик қурилиш йўлига кирган халқнинг нақадар катта муваффақиятларга эришуви мумкинлигини кўрсатди. Поляк халқи Польша Бирлашган Ишчилар Партияси раҳбарлиги остида кураш ва ғалабалар шонли йўлини босиб ўтди, ўз мамлакатини чинакам эркин, мустақил халқ республикасига айлантирди. Халқ Польшасида давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида жуда катта ўзгаришлар рўёбга чиқарилди. Польша халқ-демократик давлати ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда, ишчилар синфи блан деҳқонларнинг иттифоқи бу давлатнинг мустаҳкам негизидир. Эндиликда Польша Халқ Республикаси кучли, тобора ривожланиб бораётган индустрияга эгадир, бу индустрия қишлоқ хўжалигини, енгил саноатни, мамлакат экономикасининг ҳамма тармоқларини муваффақиятли ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг фаровонлигини тинмай оширишга имкон беради. Поляк халқи ўз турмушини Маркс — Энгельс — Ленин — Сталиннинг ғолибона та'лимоти асосида қураётганлиги туфайли мана шу муваффақиятларга эришди.

Европа ва Осиёдаги кўпгина мамлакатларнинг халқлари марксизм-ленинизм илмий назариясига амал қилиб, эксплуататорлар ҳукмронлигини ағдариб ташладилар, ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар ва социализм қуриш йўлидан ишонч блан бормоқдалар. Бутун дун'ёда юз миллионлаб кишилар марксизм-ленинизм байроғи остида курашмоқдалар.

Шу кунларда бутун прогрессив инсоният гениал революционер ва марксизмнинг назариячиси, барча мамлакат меҳнаткашларининг улуғ йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг саксонбеш йиллигини тантанали равишда нишонламоқда.

Ленинизм меҳнаткашларнинг ўз озодликлари учун олиб бораётган ғолибона кураш йўлларини ёритиб бермоқда. Ленин идеялари оммани онгига сингиб, жамиятни социалистик негизларда қайта қуришнинг улуғ кучига айланди.

Ленин меҳнаткашлар оммасига капитализмдан халос бўлиш йўлини кўрсатиб берди. У, большевиклар партиясини ташкил қилди, Россия халқлари бу партия раҳбарлиги остида Улуғ Октябрь революциясини қилдилар, ишчилар блан деҳқонларнинг жаҳонда биринчи давлатини барпо қилдилар.

Империалистлар Советлар мамлакатининг туғилишини йиртқичларча ғазаб блан қарши олдилар. Улар ўзларининг барча кучларини Совет мамлакати устига ташладилар, лекин тор-мор келтирилиб, Совет еридан шармандаларча ҳайдалдилар. Ленинизмга содиқ бўлган совет халқи меҳнаткашларнинг чинакам Ватани, бутун дун'ёда тинчликнинг умиди ва таянчи бўлган қудратли социалистик давлатни қуриб олди, мамлакатни социалистик асосда қайта қуришда жаҳоншумул тарихий ғалабаларга эришди.

«Бизнинг Совет Социалистик Республикамиз, — деган эди В. И. Ленин, — халқаро социализмнинг машъали бўлиб ва барча меҳнаткашлар оммаси олдида ўрнак бўлиб, мустаҳкам тураверади».

Улуғ Ленин, империалистлар бизнинг олға томон қилаётган ҳаракатимизга халақит бермоқ учун жуда кўп уринадилар, деб айтган эди. У, социализм қураётган халқларнинг енгилмас ижодий кучларига ғоят ишонар эди. Империалистларнинг социализмнинг ғолибона тараққиётини бузиш йўлидаги ҳамма умидлари муқаррар барбод бўлади, чунки «ҳалокат йўлида турганингдан кейин мўлжални тўғри олиб бўлмайди», — деган эди Ленин.

Иккинчи жаҳон урушининг воқиалари бу хулосани тасдиқловчи яққол сабоқ бўлди. Жаҳон империализми қонхўр герман фашизмини боқиб ўстирди ва қуроллантирди. Герман фашизми Совет Иттифоқини емириб ташламоқчи, Польша, Чехословакия ва бошқа мамлакатларнинг халқларини қул қилиб олмоқчи бўлган эди. Империалистик босмачиларнинг умидлари пуч бўлиб чиқди. Гитлерчилар Германияси тор-мор келтирилди, халқларнинг фашист варварларига бўлган нафрати эса гитлерчиларга қарши қудратли коалициянинг вужудга келишига сабабчи бўлди, шунинг учун ҳам уруш империалистлар йўлламоқчи бўлган йўлдан бормасдан, бошқа йўлга тушиб кетди.

Ленин олдиндан айтиб қўйганидек, империалистик дун'ё иккинчи жаҳон уруши натижасида янги, жуда катта талофотлар кўрди. Европа ва Осиёдаги бирқанча мамлакатларнинг халқлари ўз мамлакатларида капитализмни ағдариб, мажақлаб ташладилар, социалистик тараққиёт йўлига қат'ий равишда ўтиб олдилар.

Шу муносабат блан Лениннинг Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида айтган чинакам пайғамбарона сўзларини эсга олмаслик мумкин эмас: **«Биринчи большевистик революция ер юзидаги дастлабки юз миллионлаб кишиларни** империалистик урушдан, империалистик дун'ёдан тортиб олди. Белгуси революциялар бутун инсониятни мана шундай урушлардан ва мана шундай дун'ёдан тортиб олади».

Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Польша Халқ Республикаси ва бошқа халқ демократияси мамлакатларининг халқлари тинчлик, демократия ва социализмнинг қудратли лагерини вужудга келтирдилар. Эндиликда бу лагерь 900 миллион кишини — бутун инсониятнинг учдан бир қисмидан кўпроғини бирлаштириб турипти, шу лагерь мамлакатлари ўртасида мақсадлар ва манфаатлар умумийлигига, тенгҳуқуқлилик ва қардошларча дўстлик принципларига асосланган янги, илгари мисли кўрилмаган муносабатлар вужудга келди. Шу лагерьдаги мамлакатларнинг ҳарқайсиси янги ҳаёт қуришнинг ҳамма соҳаларида бир-бирларига сидқидил блан ёрдамлашишни ўзларига мақсад қилиб олмоқдалар. Шу мамлакатларнинг ҳарқайсиси ўз халқларининг ҳаётий манфаатларини ифодаловчи сиёсатни амалга ошираётган чинакам озод ва мустақил давлатдир. Мана шунинг ўзи ҳам эркин ва тенгҳуқуқли халқларнинг дўстлиги, интернационализм принципларининг тантана қилиши тўғрисидаги Улуғ Ленин идеяларининг яққол гавдаланганлигини кўрсатиб турипти.

Польша Халқ Республикаси блан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар худди мана шундай муносабатлардир. Ўтган ўн йилнинг якунлари Шартномада, совет ва поляк халқлари ўртасидаги дўстликни ва яқиндан туриб ҳамкорлик қилишни давом эттириш ҳар иккала мамлакатнинг муваффақиятли иқтисодий тараққиёт ишига хизмат қилади, деб билдирилган ишончни тўла равишда тасдиқлади. Совет Иттифоқи блан Халқ Польшаси ўртасида, барча халқ демократияси мамлакатлари ўртасида йилдан-йилга кенгайиб бораётган иқтисодий алоқалар мамлакатларимиз халқларига ўзининг ажойиб самараларини бермоқда. Бу эса халқ хўжалигини ривожлантириш сур'атларини тезлаштиришга ёрдам бермоқда.

Бунга жаҳон социалистик бозорининг барпо қилинганлиги кўп жиҳатдан ёрдам берди. Жаҳон социалистик бозори халқ демократияси мамлакатларининг капиталистик монополиялардан иқтисодий мустақил бўлишини та'минлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Польша блан Совет Иттифоқи ўртасидаги маданий алоқалар тобора кенг равишда ривожланмоқда, бу алоқалар халқларимиз маданиятини бойитмоқда.

Ўтган ўнйиллик давр И. В. Сталин, совет-поляк Шартномаси мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда тубли бурилиш бошлаб беради ва янги демократик Польша мустақиллигининг гаровидир, унинг қудратининг, гуллаб-яшнашининг гаровидир, деб айтган сўзларини тўла равишда тасдиқлади. **(Давомли қарсаклар).** Совет кишилари сизларнинг муваффақиятларингизга сизлар блан биргаликда қувонмоқдалар ва ўз қардошлари бўлган Польша халқига унинг ижодий меҳнатида ҳартомонлама мадад ва ёрдам кўрсатишга ҳамиша тайёрдирлар. **(Давомли қарсаклар).**

Польша Бирлашган Ишчи Партиясининг давлатдаги раҳбарлик роли, ишчилар синфи блан деҳқонларнинг мустаҳкам иттифоқи, поляк халқининг фидокорона қилаётган меҳнати, бутун демократик лагерьнинг ёрдами ва мадади—мана шуларнинг ҳаммаси мард ва меҳнатсевар поляк халқининг социалистик жамият қуришда янги, янада кўпроқ муваффақиятларга эришуви учун ишончли гарантиядир.

Ўртоқлар! Мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдамлашиш ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома жуда катта халқаро аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқи блан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги иттифоқ ва дўстлик, барча халқ демократияси мамлакатлари ўртасидаги иттифоқ ва дўстлик герман империализмига қарши қудратли таянчдир.

Польша-Совет Шартномаси, милитаристик Германия томонидан ёки у блан бевосита ёхуд бирор бошқа шаклда бирлашуви мумкин бўлган бошқа бирон давлат томонидан бўладиган агрессиянинг такрорланишидан иборат ҳарқандай хавфни йўқотмоқ учун Совет Иттифоқи ва Польша ўз ихтиёрларида бўлган ҳамма чораларни кўрадилар, деб кўзда тутади. **(Қарсаклар).** Совет Иттифоқининг Европадаги халқ-демократик мамлакатлар блан тузган бошқа шу сингари шартномалари ҳам шундай мақсадни кўзлайди. Бу шартномаларнинг алоҳида аҳамияти шундан иборатки, улар бошқа халқларга қарши қаратилмаган, шу жумладан герман халқига ҳам қарши қаратилмаган шартномалардир, бу шартномалар герман милитаризмига қарши мустаҳкам мудофаа системасини вужудга келтириш вазифасини ўз олдига қўйган шартномалардир.

Тарих тажрибаси шуни кўрсатдики, Европадаги тинчлик ва хавфсизлик иши аввало герман милитаризмини жиловлаб қўйишга боғлиқдир, чунки герман милитаризми кейинги ўн йиллар мобайнида қонли урушларни бошлаб берди ва Европа мамлакатларининг миллий мустақиллигига таҳдид қилиб, халқларнинг бошига беҳисоб кулфатлар солиб келди. Шу сабабли Совет Иттифоқи, Польша Халқ Республикаси ва Европадаги бошқа демократик мамлакатлар герман агрессиясининг такрорланишига йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар ва кўрадилар.

Совет Иттифоқи, Польша ва Шарқий Европадаги бошқа халқ демократияси мамлакатлари ўртасида тузилган шартномалар Европадаги муносабатларнинг янги системасини вужудга келтирмоқда, эркин, суверен, тинчликсевар давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг шундай системасини вужудга келтирмоқдаки, бу система Европада мустаҳкам ва узоқ давом этадиган тинчликни та'минлаш ишига хизмат қилади. Бирбутун, мустақил, демократик ва тинчликсевар Германияни барпо қилиш учун курашда муҳим фактор бўлган Германия Демократик Республикаси ҳам шу ишга хизмат қилади.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

Буюк доҳи хотираси

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари халқаро пролетариатнинг улуғ йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 85 йиллигини кенг нишонладилар.

Ишчиларнинг ётоқхоналарида ва фабрикалардаги қизил бурчакларда Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи социалистик давлат ташкилотчисининг ҳаёти ва революцион фаолияти тўғрисида суҳбатлар, лекция ва докладлар ўтказилмоқда. Комбинатнинг партия комитети кекса коммунистлар блан ёш ишчиларнинг учрашувларини ташкил қилди. 1918 йилдан бери КПСС а'золари цех бошлиғи Алексей Тимофеевич Кузнецов, ишчи Софья Давидовна Гринберт мамлакатдаги революцион воқиалар тўғрисида ўз хотираларини сўзлаб бердилар. Владимир Ильич Ленинни Смольнийда кўрган пенсиячи коммунист Мария Федоровна Егорова ёшларга кўпгина қизиқарли нарсаларни ҳикоя қилиб берди.

Маданият уйининг кутубхонасида В. И. Ленин асарлари, Ленин ҳақидаги бадиий адабиёт виставкалари ташкил қилинди. (ЎзТАГ).

Ленинга бағишланган витрина ва китоб виставкаси

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги мактаблар Коммунистик партиянинг асосчиси ва Совет давлатининг ташкилотчиси В. И. Ленин туғилган куннинг 85 йиллигини қизғин тайёргарлик кўриб, кутиб олдилар.

Яқинда 111-нчи ўрта мактабда ўқувчилар ва ота-оналар учун «В. И. Лениннинг ҳаёти ва революцион фаолияти» деган темада циклли докладлар уюштирилди. Мактаб директори ўртоқ К. Юсупов «Ленин биз блан бирга», тарих ўқитувчиси ўртоқ Ҳ. Даминов «В. И. Ленин абадий ҳаёт» деган темада лекция ўқидилар.

Мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари ўртасида «В. И. Лениннинг болалик ва ўқиш йиллари» темасида ўтказилган пионер эрталиги ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди.

22-нчи ўрта мактабда улуғ доҳининг ҳаёти ва революцион фаолиятини акс эттирувчи фото-витрина ва китоб виставкаси ташкил қилинди. «Сигнал» ва «За учёбу» деворий газеталарининг В. И. Ленинга бағишланган махсус сонлари чиқарилди. Мактаб коллективи «Совет адабиётида Ленин образи» деган темада адабий-бадиий кеча ўтказди.

Ш. КОЕНОВ.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқининг охири

Кейинги вақтларда Совет Иттифоқи блан Югославия ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланганлиги ҳам Европа хавфсизлиги иши учун катта аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқи халқлари Югославия халқларига доимо дўстона муносабатда бўлиб келдилар. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатдорлик асосида бундан буён ҳам яхшиланади ва мустаҳкамланади, деб ишонамиз.

Югославия блан Польша ўртасидаги, Югославия блан Хитой Халқ Республикаси ва бошқа мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар ҳам шу йўлда, яхшиланиш йўлида ривожланмоқда.

Империалистик реакция кучлари агрессия сиёсатини ўтказмоқдалар, зўр бериб қуролланмоқдалар ва тинчликсевар давлатларга қарши қаратилган ҳархил блоклар тузмоқдалар. Бу кучларга ишчилар синфи блан деҳқонларнинг ғалабаси натижасида барпо бўлган тинчликсевар мамлакатларнинг уюшган кучларини қарама-қарши қилиб қўйиш зарур. Шу мамлакатларга раҳбарлик қилаётган партияларнинг марксизм-ленинизм принципларига изчиллик блан ва қат'ий риоя қилаётганликлари шу лагерь мустаҳкамлиги ва енгилмаслигининг гаровидир.

Ғарбий Германияда милитаризмни тиклаётган империалистик давлатларнинг сиёсати тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш сиёсатига қарама-қарши бўлиб турипти. АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматлари халқларнинг истаклари блан ҳисоблашмай, халқаро шартномаларни оёқости қилиб, ғарбий герман армиясини барпо қилишни тезлаштиришга шошилмоқдалар, бу армиядан Совет Иттифоқига, Польшага ва бошқа мамлакатларга қарши янги авантюралар қилиш учун ёлланма куч тариқасида фойдаланмоқчи бўладилар.

Халқаро муносабатлар тарихида мисли кўрилмаган дўқлар ва шантажлар қилиш йўли блан Париж битимларини ратификация қилдириб олдилар. Шундай шармандали усул блан тасдиқлатиб олинган Париж битимлари мустаҳкам негизга эга эмас, чунки бу битимлар халқлар иродасига қарши қабул қилинди.

Европа мамлакатларининг халқлари қайта тикланган, ҳозирги замон қуролларининг ҳамма турлари блан, шу жумладан ядро қуроли блан ҳам қуролланган, гитлерчи генераллар бошчилик қиладиган ва ўз ҳаракатларида ҳечбир нарса блан чекланмаган ғарбий герман армияси бу халқлар учун нақадар хавфли эканлигини тушунадилар.

Париж битимлари туғдираётган таҳдид сабабли, Москва кенгашида қатнашган европали саккиз мамлакат ўз хавфсизликларини та'минлаш чораларини кўришга ва дўстлик, ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида шартнома тузмоқ учун тайёргарликлар қилишга, шунингдек бирлашган ҳарбий қўмондонлик тузишга қарор қилдилар. **(Давомли қарсаклар).**

Демократик мамлакатларнинг ҳукуматлари герман милитаризми яна бош кўтараётган шароитда шундай қилмасдан иложлари йўқ. Шундай қилмаслик йўл қўйиб бўлмайдиган даражада беғамлик бўлур эди. Аммо биз ғафлатда қолишни истамаймиз ҳамда тинчликсевар лагеримизнинг кучини ва қувватини ҳормай-толмай мустаҳкамлайберамиз.

Совет Иттифоқи, Европадаги барча давлатларнинг ижтимоий тузумларидан қат'и назар, уларнинг ҳамкорлик қилишлари асосида ва АҚШнинг иштироки блан Европада умумевропа коллектив хавфсизлик системаси тузиш йўлида зўр бериб ҳаракат қилди. Лекин бунга эришиб бўлмади, чунки Америка Қўшма Штатларининг ҳукмрон доиралари умумевропа ҳамкорлигини амалга оширишга қаршилик кўрсатиб келдилар.

Совет Иттифоқи ҳукумати социалистик система блан капиталистик системанинг тинч-тотув бўлиб яшаши мумкин деган Ленин принципларига асосланган тинчликсевар ташқи сиёсатни ўтказиб келмоқда. Халқаро сиёсатда икки йўл бор: бир томондан, Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган йўл, я'ни ҳал этилмаган масалаларни тинчлик блан ҳал этиш йўлидир ва, иккинчи томондан, империалистларнинг йўли, я'ни зўр бериб қуролланиш ва урушга тайёрланиш йўлидир. Тинчлик ишини қадрловчи кишиларнинг ҳаммаси икки системанинг тинч-тотув бўлиб яшашини талаб қилмоқдалар.

Капитализм мамлакатлари блан социализм мамлакатлари ўртасида зиддиятлар борлигидан кўз юмаётганимиз йўқ. Лекин, шунга қарамай, биз аминмизки, тотув бўлиб яшаш принципига амал қилиб, мамлакатлар ва халқлар ўртасида тинч муносабатлар бўлишини та'минлаш мумкин. Капиталистлар коммунизмга душман эканликлари сир эмас, чунки улар капиталистлардир. Албатта, коммунистлар ва уларга хайрихоҳ бўлган кенг меҳнаткашлар оммаси кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниш системаси бўлган, вайрон қилучи кризислар ва қирғин урушлар туғдираётган, одамларнинг катта кўпчилиги бошига азоб-уқубатлар ва офатлар келтираётган капитализмга душмандирлар.

Капиталистлар ва уларнинг ҳукуматлари социалистик лагерьни емириб ташлашни ҳарқанча истасалар ҳам, бу нарса уларнинг қўлидан келмайди. Ёш, соғлом, прогрессив организмларнинг ҳаммаси ривожланиб ва ўсиб бораётганлиги сингари социализм лагери ҳам тинмай ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда **(Қарсаклар).** Тарихий тараққиёт йўлини орқага буриш мумкинлигига жиддий равишда ишонадиган тентаклар энди кам топилса керак.

Шу блан бир вақтда шуни айтиб ўтиш керакки, империализм идеологлари томонидан тарқатилаётган афсоналарга, я'ни социализм мамлакатлари ўзларидаги ижтимоий тузумни бошқа халқларга зўрлаб қабул қилдирмоқдалар, деган афсоналарга эндиликда ишонадиган кишилар жуда оз қолди. Революциялар ташқаридан кирмайди. Революциялар ҳарқайси мамлакатдаги меҳнаткашлар блан эксплуататорлар ўртасидаги ички зиддиятлар натижасида рўёбга чиқади. Империалист жаноблар бу энг оддий ҳақиқатни аллақачонлар тушуниб олишлари керак эди.

Агар реал фактларга ва кучларнинг нисбатига хуш'ёрлик блан қараладиган бўлса, тинч-тотув бўлиб яшаш тараққиётнинг бирдан-бир тўғри ва ақлга мувофиқ йўлидир, деган хулосага келиш мумкин.

Халқаро муносабатлар соҳасида Совет Иттифоқи халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишни, барча мамлакатлар блан амалий алоқаларни ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни ва ривожлантиришни, мустаҳкам ва узоқ давом қиладиган тинчликни та'минлашни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

Австрия блан тузиладиган давлат шартномаси тўғрисида яқинда Москвада тамом бўлган Совет-Австрия Шартномалари Совет Иттифоқининг ҳал этилмаган масалаларни тинч йўл блан ҳал қилишга интилаётганлигини кўрсатучи ёрқин далилларнинг бири бўлди. Бу музокаралар халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш ишида катта аҳамиятга эга ва ҳар иккала томонда истак ва яхши ният бўлганида халқаро масалаларни тинч йўл блан ҳал қилиш мумкинлигини ва лозимлигини кўрсатади.

Осиё ва Африка халқлари бутун дун'ёда тинчликни та'минлаш ишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар ўз мамлакатларининг ташқи сиёсатига тааллуқли муҳим масалаларни ҳал қилишни ўз қўлларига олмоқдалар ва мустамлакачилик зулмига, урушлар тайёрлаш ва халқлардан мустамлакачи давлатларнинг қуроли сифатида фойдаланишдан иборат империалистик сиёсатга тобора қат'ият блан қарши чиқмоқдалар. Шу кунларда Бандунгда бўлаётган Осиё ва Африка мамлакатлари Конференцияси бу ишда катта роль ўйнайди.

Империалистлар халқлар ўртасида душманликни авж олдирмоқдалар ва капиталистик мамлакатларнинг халқларида Совет Иттифоқига, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа демократик мамлакатларга нисбатан душманлик ҳисларини туғдиришга айниқса интилмоқдалар.

Капиталистик давлатларнинг ва айниқса АҚШнинг кўзга кўринган кўпгина арбоблари бутун-бутун давлатларни емириб ташлаш, шаҳарларни вайрон қилиш, миллион-миллион одамларни қириш планлари тўғрисида сурбетларча дангал бақириб жар солмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси империалистик давлатларнинг тинчликка интилаётганликларини кўрсатадими, ахир? АҚШдаги кўпгина газеталар ва журналлар урушга тайёрланиш тўғрисида тинмай бақирмоқдалар. Аммо шу блан бир вақтда АҚШ ҳукумати қуролсизланиш масалалари блан шуғулланадиган бошқарма тузаётир. Бундай бошқарма тузиш ўрнига урушни пропаганда қилишни тақиқлаб қўйиш яхшироқ бўлмасмиди? Совет Иттифоқида, халқ демократик мамлакатларида урушни пропаганда қилиш тақиқлаб қўйилганку! **(Қарсаклар).** Атом ва водород қуролларини қўлланишни ва бу қуролларни ишлаб чиқаришни тақиқлаш тўғрисида Совет Иттифоқи томонидан қилинган таклифни қабул қилиш яхшироқ бўлмасмиди? Одамларни ялпи қириш қуролларини ишлаб чиқариш соҳасида эмас, балки атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида мусобақа қилиш яхшироқ бўлмасмиди?

Совет Иттифоқи ҳукумати зўр бериб қуролланишни тўхтатиш масалалари устида аниқ ва равшан баёнотлар э'лон қилди, бу ишда ҳам бизни бутун прогрессив инсоният қўллаб-қувватламоқда.

Империалистлар, Совет Иттифоқи «темир парда» блан ўзини капиталистик дун'ёдан ажратиб қўйди, деган уйдирма гапларни тўқимоқдалар. Қани кўрайликчи, ҳақиқатда бундай пардани ким вужудга келтираётган экан. Кейинги йилларда Совет Иттифоқига АҚШдан, Англиядан ва бошқа капиталистик мамлакатлардан жуда кўп кишилар келиб кетди. Булар орасида буржуазиянинг намояндалари, прогрессив қарашлардан узоқ бўлган фикрларни тарғиб қилучи анчагина реакцион одамлар ҳам кўп эди. Лекин биз , уларга Совет Иттифоқига келишга рухсат бердик ва улар, мамлакатимизнинг ҳамма жойини бориб кўрганларида ўз йўлларида буржуа матбуоти шу қадар кўп ёзаётган «темир парда» тариқасида ҳечқандай ғовга учрамадилар.

Хўш, Америка ҳукмрон доираларининг ўзлари нималар қилишмоқда? Улар тинчликсевар кишиларни АҚШга киритмаётирлар, Америка Қўшма Штатларини бориб кўришга таклифнома олган совет гражданлари олдига инсоннинг иззатнафсини камситадиган шартларни қўймоқдалар. Демак, «темир парда» Совет Иттифоқида йўқ; у Америка Қўшма Штатларининг ўзида барпо қилинган.

Ёки савдо муносабатларининг ривожлантирилишини олиб кўрайлик. Америка Қўшма Штатлари ўзларига қарам бўлган мамлакатларнинг эркин халқаро савдо-сотиқ қилишларини, айниқса демократик лагерь мамлакатлари блан савдо-сотиқ қилишларини тақиқлаб қўймоқдалар. Улар бизга касод бўлиб қолган эски товарларни сотмоқчи бўладилар, аммо шу блан бирга бунинг эвазига стратегик хомаш'ё олишни истаганликларини айтадилар. Равшандирки, ўз қадрини биладиган ҳарбир давлат бундай оғир шартларга рози бўлоалмайди. Биз, баббаравар тенглик асосида савдо-сотиқ қилишайлик, деб айтиб келдик ва айтмоқдамиз. Шу тариқа бўладиган савдо-сотиқ халқларнинг яқинлашувига, уларнинг бир-бирларини яхшироқ тушунишларига ёрдам беради.

Америка Қўшма Штатларининг реакцион доиралари ҳарбий талвасани авж олдирмоқ учун матбуотдан, радиодан пропаганданинг ҳамма воситаларидан фойдаланмоқдалар, аммо ўзлари Совет Иттифоқининг, Хитой Халқ Республикасининг, халқ демократияси мамлакатларининг сиёсатини агрессив сиёсат қилиб кўрсатишга уринмоқдалар.

АҚШ империалистлари ва уларнинг ёлланган малайлари империалистларнинг янги уруш тайёрлаётганликларини ўз мамлакатларининг жамоатчилик фикри олдида оқламоқ учун, Совет Иттифоқи ва бошқа демократик мамлакатлар агрессивлик қилмоқда ва гапга кўнмаётир, деб маккорлик блан шовқин-сурон кўтармоқдалар. Улар асосан, меҳнаткашлардан олинаётган солиқларнинг кўпайиб бораётганлигини, бу солиқлар зўр бериб қуролланишга сарф бўлаётганлигини, капиталистик монополияларнинг жуда кўп фойда олишларини та'минлаётганликларини оқламоқ учун шундай пропаганда юритмоқдалар.

АҚШ ва бошқа давлатларнинг кўпгина сиёсий арбоблари ўз мамлакатларидаги халқларни лақиллатиб, социалистик лагерь давлатлари блан бамаслаҳат бир фикрга келиб бўлмайди, улар блан фақат зўравонлик позициясида туриб гаплашиш керак, деган фикрни тушунтиришга уринмоқдалар. Улар қўрқитиш ва шантаж қилиш йўли блан ўз мақсадимизга эришаоламиз деб хаёл қилдилар. Броқ, бундай усуллар гарчи, Ғарбий Европа мамлакатларидаги ба'зибир нервлари заиф одамларга та'сир ўтказаётган бўлсада, аммо бу усуллар Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари блан бўладиган муносабатларда бутунлай яроқсиз усуллардир. **(Қарсаклар).**

Бутун дун'ёга ма'лумки, Совет Иттифоқи дўқлардан ҳечқачон қўрққан эмас ва қўрқмайди. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги даврда Ғарбий Европа ва Американинг кўпгина калтабин арбоблари бизнинг тинчликсевар сиёсатимизни кучсизлик аломати деб кўрсатиб келганликлари ҳамманинг эсида. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бутун дун'ё социализм мамлакатининг кучи ва қудратини кўриб яққол ишонди. Бизнинг халқимиз Совет Иттифоқининг қудрати чексиз равишда ошган ҳозирги пайтда ўзининг кучларига айниқса қаттиқ ишонади. **(Қарсаклар).**

Яна шу нарсани ҳам назарда тутиш керакки, урушдан кейинги даврда жаҳондаги кучларнинг нисбати тубдан ўзгарди. Улуғ Хитой Халқ Республикаси қудратли давлатга айланди. Польша Халқ Республикаси ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари кундан-кунга мустаҳкамланиб бормоқдалар. Социализм ва демократия кучлари империалистик агрессорларнинг кучларига қараганда қудратлироқдир. Фақат авантюристларгина бу блан ҳисоблашмасликлари мумкин. Шу нарса шакшубҳасиздирки, агар империалистлар янги жаҳон урушини бошлайдиган бўлсалар, бу уруш бутун жаҳон капиталистик системасининг ҳалокатга учраши блан тугайди. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Социалистик лагерь мамлакатларининг халқлари империалистик агрессорларнинг кирдикорларини сергаклик блан кузатмоқдалар, ўз сафларини янада зичроқ қилиб жипслаштирмоқдалар, тинчлик учун, социализм учун курашдаги бирликни мустаҳкамламоқдалар. Улар халқ хўжалигини тинмай юксалтириб, оғир индустрияни ривожлантиришга алоҳида э'тибор бермоқдалар. Бу эса мамлакатларимиз озодлиги ва мустақиллигининг мустаҳкам гарантиясидир.

Биз, совет кишилари, ўз тажрибамиздан шуни биламизки, оғир индустрия бутун халқ хўжалигининг ва мамлакатнинг мустаҳкам мудофаа қувватининг ҳамиша асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, оғир индустрия енгил саноатни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг, халқ фаровонлигини тинмай юксалтиришнинг ҳамиша манбаи бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Биз бунда ҳамиша Улуғ Ленин та'лимотига амал қилиб келганмиз ва амал қилмоқдамиз. Улуғ Ленин айтган эдики, «Йирик машина саноати ва унинг деҳқончиликка кўчирилиши социализмнинг бирдан-бир иқтисодий базасидир, инсониятни капитал асоратидан халос қилиш йўлида муваффақиятли кураш олиб бориш учун бирдан-бир базадир».

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Мамлакатларимизнинг халқлари ўтмишда умумий душманга — чор самодержавиесига қарши, рус ва поляк помешчикларига ва капиталистларига қарши, ўзларининг социал озодликлари учун биргаликда кураш олиб борган эдилар. Улар герман фашизмига қарши биргаликда курашдилар. Урушдан кейинги вақтда, мана энди ўн йилдан бери биз янги социалистик хаёт қуриш йўлидан қўлни-қўлга бериб ишонч блан бормоқдамиз.

Поляк халқининг улуғ фарзанди, Лениннинг шогирди ва сафдоши, революциянинг қўрқмас рицари Феликс Дзержинский бундан ўттиз йилча олдин Добиш ишчиларига юборган хатида, Польшанинг тақдири тўғрисида гапириб, «Капиталистик давлатлардан мустақил ва озод, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан иттифоқ тузган кучли социалистик Польшани» кўришни орзу қилган эди. Бу орзу рўёбга чиқди. **(Давомли қарсаклар).**

Бугун, биз Польша-Совет Шартномасининг имзоланганига ўн йил тўлган кунни нишонлаб, қат'ий ишонч билдириб айтамизки, Польша Халқ Республикаси блан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасидаги дўстлик, ўзаро ёрдамлашиш ва қардошларча ҳамкорлик халқларимизнинг бахти ва саодати йўлида тинмай ўсаберади ва мустаҳкамланаберади. **(Давомли қарсаклар).**

Биз, ягона мақсад сари, Ленин йўлидан бирга бормоқдамиз. Ўлмас Лениннинг ўлмас та'лимоти социализм учун курашнинг мана шу йўлини сўнмас маш'ал бўлиб ёритиб турипти. **(Давомли қарсаклар).**

Тинчлик, демократия ва социализмнинг қудратли лагери ўссин ва мустаҳкамлансин! **(Давомли қарсаклар).**

Яшасин совет ва поляк халқларининг бузилмас дўстлиги! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Яшасин қардош поляк халқи! **(Давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).**

Яшасин Польша халқ ҳукумати! **(Давомли қарсаклар).**

Яшасин поляк халқини социализм қуришнинг ёрқ йўлидан олиб бораётган Польша Бирлашган Ишчи Партияси! **(Бутун залда гулдурос, давомли овация. Ҳамма ўрнидан туради).** (ТАСС).

В. И. Ленин туғилган куннинг 85 йиллиги муносабати блан Пекинда тантанали мажлис

ПЕКИН, 21 апрель. (ТАСС). Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси ва дун'ёда биринчи социалистик давлатнинг тузучиси В. И. Ленин туғилган куннинг 85 йиллиги муносабати блан бугун Пекинда тантанали мажлис бўлди. Бу мажлисни Хитой Коммунистик партияси Марказий комитети ўтказди.

Хуайжэньтан зали Хитой Халқ Республикаси пойтахтидаги партия, давлат, жамоат ташкилотларининг вакиллари, саноат, қишлоқ хўжалигининг донгдор меҳнаткашлари, совет мутахассислари, СССР ва халқ демократияси мамлакатлари элчихоналарининг вакиллари блан тўлди.

Саҳнанинг тўрида Владимир Ильичнинг катта портрети бор. Портретнинг ҳар икки томонига 1870 — 1955 йил деган сўзлар ёзилган.

Хитой Коммунистик партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'золари, СССРнинг ХХРдаги элчиси П. Ф. Юдин гулдурос қарсаклар остида президиумга чиқиб ўз ўринларини оладилар.

Маркс — Ленин институтининг директори Ян Сянь-чжэнь «Лениннинг ўтиш даври тўғрисидаги та'лимоти» деган темада доклад қилди.

* * *

Тантанали мажлис тамом бўлгандан кейин катта концерт қўйиб берилди.

РХР Фанлар академиясининг В. И. Ленин туғилган куннинг 85 йиллигига бағишланган мажлиси

БУХАРЕСТ, 21 апрель. (ТАСС). Кеча Руминия Халқ Республикаси Фанлар академиясининг В. И. Ленин туғилган куннинг 85 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди. Мажлисда жуда кўп олимлар, шунингдек жамоат ва маданий ташкилотларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Фанлар академиясининг президенти академик Траян Савулеску В. И. Лениннинг ҳаёти ва революцион фаолияти ҳақида доклад қилди. «Социалистик индустрлаштиришнинг ленинча принциплари», «В. И. Ленин фандаги идеализмга қарши кураш ҳақида», «В. И. Ленин — Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик ташқи сиёсатининг илҳомчиси» темасида ҳам докладлар тингланди.

В. И. Ленин туғилган куннинг 85 йиллиги тўғрисида Венгрия газеталарининг ёзганлари

БУДАПЕШТ, 21 апрель. (ТАСС). Бугун ҳамма газеталар В. И. Ленин туғилган куннинг 85 йиллигига бағишланган бошмақолалар, Лениннинг портретларини ва бу кун блан боғлиқ бошқа материалларни босиб чиқардилар. «Сабад неп» газетаси бошмақоласида ленинча йўлдан бораётган 900 миллионли тинчлик ва социализм лагерининг эришган муваффақиятларига муфассал тўхталмоқда.

«Мадьяр немзет» газетаси «Ленин та'лимоти» сарлавҳали бошмақоласида бундай деб ёзади: Венгер халқи улуғ Лениннинг хотирасини самимий муҳаббат хисларига тўлиб-тошган ҳолда ҳурмат блан эсга олмоқда, чунки рус халқи гениал фарзандининг та'лимоти ва фаолияти Ватанимиз тарихида янги даврни очди.

Газеталар Ленин ҳақидаги ва ленинча та'лимот тўғрисидаги бошқа мақолаларни ҳам э'лон қилмоқдалар.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

БАНДУНГ, 21 апрель. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясида сиёсий комитетнинг ва иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик масалалари блан шуғулланучи комитетларнинг ёпиқ мажлислари давом этди.

Иқтисодий ҳамкорлик масалалари блан шуғулланучи комитетнинг мажлиси ҳақида чиқарилган ахборотда айтилишича, комитет ўз кун тартибидаги ҳамма масалаларни, шу жумладан атом энергиясидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш масаласини муҳокама қилиб бўлган. 22 апрельда комитет конференциянинг ялпи мажлисига тақдим этиладиган докладни муҳокама қилади.

Комитетларнинг ёпиқ мажлислари блан бир вақтда айрим делегацияларнинг бошлиқлари ўртасида ғайри расмий учрашувлар бўлмоқда.

Франция делегацияси Европа мамлакатлари меҳнаткашлари ва касаба союзлари вакилларининг конференциясига жўнаб кетди

ПАРИЖ, 21 апрель. (ТАСС). Европа мамлакатлари меҳнаткашлари ва касаба союзлари вакилларининг эртага Лейпцигда очиладиган конференциясига тайёргарлик кўручи Франция миллий комитети ахборот э'лон қилди. Ахборотда айтилишича, бу конференцияда Франция ишчилар синфининг 120 делегати қатнашади. Бу делегатлар Умуммеҳнат конфедерациясидаги, Франция христиан меҳнаткашлар конфедерациясидаги ва «Форс уврие» ташкилотидаги касаба союзларнинг а'золаридир.

Ахборотда уқтириб ўтилишича, конференцияга бирлашган делегация юборилиши меҳнаткашларнинг қонуний талабларини қондириш учун, тинчлик ва озодлик учун курашда, Ғарбий Германиянинг ремилитаризация қилинишига қарши курашда меҳнаткашларнинг ҳаракат бирлигини ўрнатиш йўлида эришилган ғалабадир. Бу ғалаба, дейилади ахборотда, ишчилар синфининг янги катта ва муҳим муваффақиятларига олиб келиши лозим.

Франция делегатлари кеча Лейпцигга жўнаб кетдилар.

Совет Ҳукумат делегациясининг Польшада бўлишига доир

ВАРШАВА, 21 апрель. (ТАСС). Дўстлик, ўзаро ёрдамлашиш ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисидаги Польша-Совет шартномасининг ўн йиллиги байрамида қатнашмоқ учун КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. С. Хрушчев бошчилигида Польша Халқ Республикасига келган Совет ҳукумат делегацияси бугун Лодзь воеводлиги Лович уездидаги «Яцковице» деҳқончилик ишлабчиқариш кооперативини ва шу воеводликнинг Кутно уездидаги «Доманикув» давлат қишлоқ хўжалигини келиб кўрди.

Польша бирлашган ишчи партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Болеслав Берут, ПБИП МК Сиёсий бюросининг а'зоси ва давлат қишлоқ хўжаликлари министри Станислав Радкевич ва бошқа кишилар делегацияга ҳамроҳ бўлдилар. СССРнинг Польшадаги муваққат ишлар вакили И. А. Мельник ҳам делегация блан бирга борди.

Совет-Япония муносабатлари масаласига доир

Совет ҳукумати 4 апрельда ўзининг Токиодаги вакили орқали Япония ҳукуматига, Совет-Япония музокараларини бевосита манфаатдор бўлган мамлакатлардан бирининг пойтахтида, я'ни Токиода ёки Москвада олиб бориш мақсадга мувофиқ эканлигини айтганлиги матбуотда хабар бериб ўтилган эди.

Ма'лум бўлишича, 8 апрельда Япония элчиси Савада Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги совет вакили А. А. Соболевга жавоб нотаси топширган, шу нотада Япония ҳукумати, музокаралар бўладиган жойнинг Япониядан ва Совет Иттифоқидан ташқарида бўлишини истар эди ва шу сабабли музокараларни Нью-Йоркда олиб боришни яна таклиф қилади, деб айтган.

18 апрельда А. А. Соболев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Япония кузатучиси элчи Савадага жавоб нотаси топширди. Бу жавоб нотасида Совет ҳукуматининг 4 апрельдаги баёнотида мазкур музокараларни Токиода ёки Москвада, я'ни манфаатдор мамлакатлардан бирининг пойтахтида ўтказиш мақсадга мувофиқдир, деб айтган гаплари та'кидланган.

Сўнгра Совет нотасида айтиладики, Япония ҳукуматининг музокаралар олиб бориладиган жой Япония ва Совет Иттифоқидан ташқарида бўлишини истаганлигини ҳисобга олиб, шунингдек Япония бош министри Хатояма жанобларининг 9 апрельдаги баёнотида музокараларни Жанвада ўтказиш мумкинлиги ҳақида гапирилганлигини назарда тутиб, Совет ҳукумати Совет-Япония музокараларини Жанвада ёки Лондонда ўтказишга розилик беришга тайёрдир.

Япония ҳукуматидан мазкур нотага ҳали жавоб олингани йўқ. (ТАСС).

АВСТРИЯ ИШТИРОКИ БЛАН ТЎРТ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИ ЎТКАЗИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Француз матбуотида баён қилинган фикрлар

ПАРИЖ, 21 апрель. (ТАСС). Француз матбуоти Совет ҳукуматининг АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматларига 19 апрельда юборган нотасини ҳали ҳам қизгин равишда шарҳламоқда.

Париждаги ба'зи газеталарнинг ёзишича, Ғарб давлатлари ва айниқса АҚШ Австрия масаласининг ҳал этилишини кечиктиришни истамоқдалар ва шу сабабли тўрт давлат кенгашини чақиришга шошилмаслик керак, деган фикрдадирлар. Шу муносабат блан ўнг «Эко» газетаси шу нарсани ташвишланиб кўрсатиб ўтмоқдаки, Совет таклифлари олдида «ғафлатда қолган» Ғарб давлатлари Венада Австриянинг иштироки блан тўрт давлат кенгашини чақиришга рози бўлмасалар, улар музокараларга қаршилик кўрсатаётган бўлиб чиқишлари мумкин.

Ба'зи газеталарнинг фикрича, Ғарб давлатларининг раҳбар доиралари, мустақил демократик Австриянинг тикланиши ва ҳарбий блокларда қатнашишдан бош тортиши герман халқига Германияни тинчлик негизларида қайта бирлаштириш йўлини кўрсатиб беради ва немисларнинг Ғарбий Германияни қуроллантиришга қаршилик кўрсатишларини кучайтиради, деб ҳавотир бўлиб шундай позиция тутмоқдалар.

«Либерасьон» газетасининг ёзишича, «Русларнинг Австрия шартномаси устидаги таклифлари блан очилган перспектива сабабли ва бу таклифлар герман жамоатчилигида туғдирган таассурот сабабли Даллес блан Аденауэр ташвишга тушиб қолдилар».

«Либерасьон» газетаси Франция ҳукуматининг тўрт давлат кенгашига нисбатан тутаётган позициясига тўхталиб бундай деб ёзмоқда: «Энди Эдгар Фор ва Пиней қандай чора кўрар эканлар? Улар ҳамиша Шарқ блан музокаралар олиб бориш тўғрисида гапириб келган эдилар. Ҳозир улар мот бўлиб қолдилар. Энди улар «крест юришини» тарғиб қилаётган ва ҳозирликда бутун дун'ёда, ҳаттоки Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам ўз позицияларини йўқотаётган шахслар олдида яна бир марта таслим бўлишга рози бўлурмикинлар».

«Юманите» газетасининг ёзишига қараганда, Ғарб давлатларидаги сиёсий доираларнинг Совет ҳукумати нотаси тўғрисида айтган дастлабки фикрлари уларнинг «халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасидан қўрқаётганликларини» кўрсатади.

ПРЕЗИДЕНТ ТИТОНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 20 апрель. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг Брюсселдан берган хабарида айтилишича, социалистик партиянинг «Пепль» газетаси шу газета сиёсий директорининг Югославия президенти Тито блан қилган суҳбатини 20 апрельда босиб чиқарди. Тито, жумладан, айтганки, «Жаҳоннинг блокларга ажралиши бизга таҳдид солаётган энг катта хавфдир». Унинг фикрича, тинчликка ёрдам беришнинг бирдан-бир воситаси шуки, «тинчтиш йўлида актив сиёсат олиб бориш керак ва бу сиёсат тотув бўлиб яшашга олиб келиши лозим. Жаҳон миқ'ёсида иқтисодий, социал ва маданий ҳамкорликка эришмоқ учун бошқа давлатларнинг ички ишларига ҳарқандай аралашишни тақиқлаб қўйишгина тотув бўлиб яшашга зарур негиз бўлиши мумкин».

«Агар бирқанча давлатлар, — деган маршал Тито, — тотув бўлиб яшаш соҳасида ҳар кун ўрнак кўрсатиб турсалар, бу нарса тинчлик манфаатлари йўлида қилинган иш бўлади».

Сўнгра маршал Тито айтганки, «Эйзенхауэр томонидан тўрт давлат кенгашини чақиришни тавсия қилиб 24 мартда айтилган ва маршал Булганин қўллаб-қувватлаган таклиф мумкин қадар тезроқ амалга оширилиши» зарур. «Икки блокка ажратиб турган мавжуд проблемалар тинч йўл блан ҳал қилинмаса, — деган маршал Тито, — қуролсизланиш масалаларини муҳокама қилиш» ҳечбир натижа бермайди.

Югославия давлатининг бошлиғи Германияни бирлаштириш масаласига тўхталиб, «герман халқига ўз сўзини ўзи айтиши учун имконият бериш» зарур, деган. Герман халқи, албатта, «эҳтимолки соф Ғарб демократияси ёки соф Шарқ демократияси тарзида бўлмайдиган демократиянинг ўзи хоҳлаган шаклини» топиб олади.

ПИНЕЙ ЛОНДОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ПАРИЖ, 21 апрель. (ТАСС). Бугун Франция ташқи ишлар министри Пиней Англия ташқи ишлар министри Макмиллан блан музокаралар олиб бориш учун самолётда Лондонга учиб кетди.

Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, Пиней бош министр Иден блан ҳам учрашади.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бироз булутланиб турса ҳам, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Температура 24—28 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/IV да **Бир севги афсонаси**, 24/IV да кундуз **Оила**, кечқурун **Момақалдироқ**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Беш'ёғочдаги янги бинода) — 23 ва 24/IV да янги спектакль **Азиз ва Санам.** 4 парда, 9 кўринишли музикали драма. 23/IV га билетлар сотилган.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 3 бўлимда **цирк тамошалари.** РСФСРда хизмат кўрсатган артист **М. Н. Туганов** раҳбарлигида **«Донда» деган чавандозлик-спорт аттракционининг сўнгги кунлари.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрларида—янги бадиий фильм **Азиз дўст.**

«РОДИНА» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Котовский.**

НАВОИЙ номли кинотеатрда — эрталаб соат 10 да **Мультипликацион фильмлар.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб ва кундуз **Шипка қаҳрамонлари,** кеч соат 5 ва 6 да **Аргентинадан Мексикагача,** кеч 8 ва 10 да **Ленин Октябрьда.**

«ВАТАН» — **Котовский.**

«ИСКРА» ёзги — **Маринанинг тақдири.**

ПУШКИН номли — **Кичкина Мукнинг тарихи.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да **Нюрнбергдан чиққан экспресс,** кеч соат 5 ва 7 **Каспий нефтчилари ҳақида қисса.**

Ўзбек давлат эстрадасининг концерт залида
(Навоий кўчаси, 69-нчи уй, Муқимий номли театрнинг илгариги биноси)
23 апрельда
Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари
МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА ва ҒУЛОМ АБДУРАҲМОНОВ
иштироки блан 2 бўлимда
КОНЦЕРТ
Эстрада солистлари ва оркестри қатнашади.
Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 4 дан очилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва san'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими—38142.

Р. 04823. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1418.